Миллий тиклониш

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси

1995 йил, 10 июн • 2-сон

ЎЗБЕКНИНГ ДОНИ ОЛТИНЛАНДИ



Шу кунларда Ўзбекистонда ғалла ўрими ўта қизғин паллага кирди. Буғдойзорларда ажиб сафарбарлик руҳи ҳукмрон. Юртда катта-кичикнинг диққат-эътибори, ғайрати далаларда етиштирилган мўл-кўл ғалла ҳосилини нес-нобуд қилмай ўриб-йиғиб олишига қаратилган. Ҳар бир бошоқ дон биздан ҳақиқий фидойилик ва жасорат намуналарини кўрсатишни кутяпти.

Ўзбекнинг ўзидай саҳоватли бу заминни кезган одам олтинланган бўлиқ буғдойзорларни кўриб кўзлари яйрайди. Юраги хирмон-хирмон дон каби қувончдан тошади. Қорачўғларда ғўзал меҳнат манзараси жилва қилади. Вужудини жўшқин ва ҳароратли бир қўшиқ қоплайди.

Шовуллаётган кенг ғаллазорларда мустақил Ватаннинг иқболи, истиқболи ва нурли келажаги акс этиб турибди.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ғалла мустақиллиги йилдан йилга ривож топиб, мустаҳкамланиб бораяпти. Чунки ғалла иқтисодий, сиёсий ва маънавий тараққиётни ҳамиша бир-бирига боғлаб туради.

Ғалласи мустақил мамлакатнинг эли тўқ, фарзандлари ботир ва жасоратли, эртаси фаровон ва тўй-томошалари доим мунаввар бўлади. Ўзбек дастурхонининг кўрки, файз-баракаси ҳамиша ва ҳар қачон нон бўлиб келган. Ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Ғалла мустақиллиги заминида миллат маънавияти, унинг миллий бирлиги, миллий тафаккури ва миллий равнақи ётибди. Омборида дони бор халқнинг қадди тик, сўзи доно, ўзи мард ва фарзандлари соғломдир.

Дон - Ватан, дон - халқ, дон - мустақиллик. Дон - миллат юрагининг гавҳари, бугуни ва эртанги ҳаётининг асосий устуни. Дунёда энг қимматбаҳо, энг зўр бойлик ҳам дон билан беллаша олмайди. Унинг қийматига асло тенг келолмайди. Дон бойликлар бойлиги, неъматларнинг олий неъматидир.

Агар дон нобуд бўлса, билингки, фарзандимизнинг насибаси. Агар бошоқ тўкилиб исроф бўлса, билингки, бу оиланинг насибаси. Агар ғалла яксон, талон-тарож қилинса, билингки, миллатнинг насибаси. Донга хиёнат қилаётганлар, ғаллани ғаламисларча ўмараётганлар ҳеч қачон рўшнолик кўрмайдилар. Гоҳ телевидение, гоҳ матбуот саҳифаларидан аён бўлаяптики, нафси ўпқон кимсалар ғалла ўғирлашгача бориб етяпти. Ахир улар дон элнинг насибаси эканлигини наҳотки билишмаса? Кўпнинг ризқи юқмайди. Доннинг ҳам уволи бор-ку.

Ғалламизнинг мўллиги, омборларнинг тўлиқлиги мамлакатимиз қудратини мустаҳкамлайди, халқаро майдондаги нуфузини янада оширади. Жаҳон бозорида ўзбек пахтаси, ўзбек олтини билан бирга ўзбек ғалласи ҳам ўрин олса ажаб эмас.

Эй, баҳши бобо, илоё, уйинг донга тўлсин. Қара, дон етилди, буғдойзорга ўроқ тушди. Қани дўмбирангни чал. Шундай чалгинки, ўроқчилар, комбайнчилар юрагида меҳнат ва ғайрат завқи янада жўш урсин.

Эй, ўланчи момо, илоё қўлларинг ун элашдан асло чарчамасин, қиприкларингдан ун ғарди аримасин. Қара, бошоқ олтинланди. Қани, дон ҳақидаги, нон ҳақидаги қадим-қадим ўланлардан айт. Шундай айтгинки, бу муқаддас қўшиқ она юртимиз бўйлаб янграсин.

Ашурали ЖЎРАЕВ

Ойдин ҲОЖИЕВА,
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ШОИРИ

ИСТИҚЛОЛ ТАРИХНИНГ ИМТИҲОНИДИР

Торгина ғузарлар, пастқам расталар,
Ғала-ғовур бозор кетмас хаёлдан.
Қорин ташвишида қўли басталар
Ўсиб чиқаверар ҳар бир саволдан.

Фитрат ким, Чўлпон ким, кимдир Тавалло,
Миллат деб қон қусган марду эранлар.
Жони пилик бўлиб таратган зиё
Эътиқоди буюк, фикри теранлар.

Аларнинг сувратин излайман бир-бир
Рўпарамдан ўтган ҳар бир одамдан.
Рангида қони йўқ, онгида шуур.
Тамом хабарсиздир янги оламдан.

Истиқлол юлдузи ярқираб магар
Жаҳон айвонида ўзбекдан сўйлар.
Қартавозлик қилиб бир тўда гар-гар.
Дўкондан топилмас шакардан сўйлар.

Дунё кимёгарнинг рангидай қайнар,
Зеҳну қалб кирадур ўзга сифатга.
Бири амалдорнинг оғзини мойлар
Эришмоқчун обрў, мансаб, давлатга.

Эшигин олдида уюлган ахлат
Кўнглини кир қилмас, ўтар бепарво.
Отни ҳуркитгудек олифта савлат,
Кўксида илондек ўрмалар риё.

Улуғ Яссавийлар, нури покларим,
Баҳоваддин пирим, эй, «дили ба ёр»,
Имон осмонида ўчмас моҳларим.
Ғафлат бандаларин айлангиз бедор.

Ки миллат, эрк учун, ҳамият учун
Жон олиб, жонини бермаса магар,
Бошини тикмаса ҳуррият учун,
Маломатга қолур ўлгунга қадар.

Асрий талотўплар, зилзилаларда
Ўзбекнинг ўлмаган сабил жонидир.
«Истиқлол не берди» дейсан сер зарда.
Истиқлол - тарихнинг имтиҳонидир.

Пойингдаги жаннат туфроқ - истиқлол,
Бошингда булутсиз само ҳурликдир.
Бешигингда чақнаб ётар истиқбол,
Мустақиллик - тили, дили бирликдир.

Бир луқма думба деб қопқонга тушган
Арслон қисматини чиқарма ёддан.
Битта тақа топса, от дея шошган
Афанди ўзингсан, ўзбексан содда.

Ҳали сен жаҳоний илмда комил,
Гурас-гурас келар авлод бошисан.
Бозорларинг бўлур мол билан мил-мил,
Сен ёруғ кунларга тамал тошисан.

Сабрдан ийланган асли зуволанг,
Тишингни тишга бос, тоқатга бўл ёр.
Истиқлол - тўрт ёзни кўрган ўз боланг,
Кўксингга маҳкам бос, халқим, умидвор!

Ҳар битта юракда сас берсин Чўлпон,
Фитратлар юксалсин метин жонингда.
Тишингга бос, олиб ўтгин соғ-омон
Истиқлолни Аср имтиҳонидан.

ТИКЛАНИШ: ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР

ХАЗИНАНИНГ ҚОПҚАЛАРИ ОЧИЛДИ

14 июн куни Президент Ислом Каримов Навоий вилоятида бўлди. Нодир металлургия саноатидаги ишлар билан танишди. Учқудуқ шаҳридаги 3-гидрометаллургия заводининг биринчи навбати шу куни ишга тушди. Замонавий кучли агрегатлар илк маҳсулотини берди. Президент, шунингдек, Зарафшондаги «Зарафшон — Нюмонт» қўшма корхонаси, Мурунтов карери, «Ағама» тўқимачилик фабрикасини бориб кўрди. Одамлар билан шу куннинг ҳаётий зарур масалалари борасида суҳбатлашди.

ПРЕЗИДЕНТ Ислом КАРИМОВ:

«Мамлакатдаги ишларнинг аҳволини, иқтисодий, сиёсий, маънавий ҳаётимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни танқидий кўз билан таҳлил қилар эканмиз, биз бугун ишонч билан: Ҳа, Ўзбекистон бўҳрондан чиқиб боряпти ва янгиланиш суръатини дадиллик билан эгаллаб, ўзининг келажагига ишонч билан қарамоқда, дея оламиз».

•

«Биз бугунги кунда кейинги йилларда эришилган ютуқларимиз билан фахрланишга ҳақлимиз. Бу — бизнинг ташқаридан нефт ва нефт маҳсулотлари сотиб олишдан холи бўлган амалий мустақиллигимиздир. Бу бизнинг ташқаридан ғалла сотиб олишдан холи бўлган мустақиллигимиздир. Ҳа, биз ўзимизни гўшт-сут маҳсулотлари билан таъминлаш учун ҳам зарур база барпо қила олдик. Эсларингизда бўлса, яқин-яқинларда ҳам бизнинг кўпдан-кўп хом ашё бойлигимиз, энг аввало, пахта толаси мана шу ҳаёт учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олиш учун сарфланар эди. Уч ярим йил ичида биз бу ресурсларимизни ана шу мақсадда фойдаланишдан ажратиб олдик, энди улар мана шу жаннатмонанд заминда истиқомат қилаётган кишиларнинг фаровон турмушига хизмат қилади».

3-гидрометаллургия заводида сўзланган нуткдан.

ПРЕЗИДЕНТ ЭСКИ ШАҲАРНИ БОРИБ КЎРДИ

Тошкент XXI асрга тамомила ўзига хос, такрорланмас миллий қиёфага эга буюк шаҳар сифатида кириб борадиган бўлди.

Куни кеча Президентимиз Ислом Каримов Тошкентнинг қайта бино этилаётган Эски шаҳар қисмини бориб кўрди. Кенг миқёсдаги таъмирлаш ва реконструкция ишлари билан яқиндан танишди. Тошкентни Шарқнинг энг гўзал, қулай, обод, илм-фан, техника тараққиётига ўта даражада мослашган шаҳарга айлантириш муаммолари ва амалий йўллари устида қимматли фикрлар ўртага ташланди. Буюк шаҳар ўтган бир пайтлардаги қиёфасизлик балосидан шитоб билан халос бўла бормоқда. Янги, ҳам жаҳон тажрибаларини, ҳам миллий шаҳарсозлик анъаналарини акс эттирадиган ажойиб шаҳар бунёд этилмоқда.

Шу кунларда Тошкентнинг қадим Қорасарой, Сағбон, Чимбой, Чиғатой, Хасти Имом атрофларида бўлган ҳар бир киши олиб борилаётган ишларнинг кўламига таҳсин ўқимай иложи йўқ. Суюкли шаҳримизнинг бағри кенгайиб, ўзи яшариб, ороланиб бораётганидан қувонади.

Бу ишларни кўрганда, яна бир карра ўша машҳур шиор: «Биздан обод ва озод ватан қолсин!» — ёдга тушади. У ҳар қадамда жобажо бўлиб, амалга ошаётгани ҳар биримизнинг юрагимизни умид ва ифтихорга тўлдиради.

АКАДЕМИЯМИЗНИНГ БАҒРИ ТЎЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг сафлари янги ҳақиқий аъзолар ва мухбир аъзолар билан бойиди. Академиянинг 8 июнда бўлиб ўтган умумий мажлиси томонидан эълон қилинган рўйхатга қараб, Ватанимизда XX асрда турли фанлар равнақига салмоқли ҳисса қўшолган ажойиб олимларнинг номларини кўрамиз. Уларнинг фан соҳалари жаҳон илм-фанининг бугунги барча илғор соҳаларига туташиб кетгани, баравар одим ташлаётгани, амалий ва назарий кашфиётлар йўлидан дадил изланишлар қилаётгани фанимизнинг келажагига ишончимизни орттиради.

Биз фақат илм-фаннинг назарий ютуқлари, ихтиро ва кашфиётлари жадалроқ ҳаётга киришини, мамлакатимизнинг қудрати, халқимизнинг фаровонлигига бебаҳо ҳиссасини узлуксиз қўшиб боришинигина истаймиз.

Илм ҳаётий яратиш жараёнларига кирганидагина ўз кучқудратини намоён қилишини бир зум бўлса ҳам унутмайлик.

ЎЙЛАМОҚ ИЙМОН НИШОНАСИДИР

Илҳомимиз булоғи

Асрлар давомида чор Россияси ва тоталитар шўро империялари даврида яшаган халқларнинг ҳар бири ўз ватанини озод ва мустақил бўлишини орзу қилиб келди. Турли миллатларнинг не-не фидойи ўғлонларининг муборак жонлари шу йўлда қурбон бўлди. Шу жумладан аввал «халқлар турмаси» деб аталган чор, кейинчалик «Темир панжара ортидаги империя» деб аталган шўро салтанати таркибида яшаган рус халқи ҳам бу орзу-умиддан бебаҳра эмас эди. Собиқ СССРнинг парчаланиши туфайли ўз мустақиллигини эълон қилган Россия халқи бошқа халқлар қаторида озодлик ва демократия йўлидан бораётгани XX асрнинг энг буюк ҳодисаларидан бири, десак асло хато қилмаймиз.

Куни-кеча Россия ўз мустақиллик кунини нишонлади. Бу сана муносабати билан Россиянинг шаҳар-қишлоқларида тантаналар бўлиб ўтди. Шу билан бирга, собиқ тузум пайтида нишонланган ва истиқлол туфайли қабул қилинган янги байрамлар арафасида бўлганидек, бу шонли сана ҳам ўтмишни қўмсаган айрим сиёсатдон кимсаларнинг сафсатабозлик қилишлари учун баҳона бўлди. Бу оғиз кўпиртиришлар ичида Рамазон Абдулатиповнинг «Труд» ва «Литературная газета»да чоп этилган фикрлари алоҳида ажралиб туради.

Р. Абдулатипов асл мақсадини асло яширмайди. Унинг фикрича, СССР парчаланиши туфайли фақат жуғрофий ҳудудлардан эмас, балки миллионлаб белорус, гуржи, озарбойжон, абхаз, осетин, украин, тожик, туркман, қозоқ, ўзбек ва бошқа халқлардан ҳам ажралгани Россия учун энг катта йўқотиш бўлди. «Яширишнинг нима кераги бор, Россия ҳисобсиз нарсалардан айрилди, чунки Совет Иттифоқи, агар сиёсий-мафкуравий жиҳатларини эътиборга олмасак, аслида чинакам Россиянинг ўзи эди», деб ёзади Р. Абдулатипов. Булар халқлар тақдири, ёш мустақил давлатимизга ҳам дахлдор бўлгани боис ўз муносабатимизни билдириб ўтмай иложимиз йўқ.

Шундан кейин Россия империясининг таркиб топиши тарихига оид «мулоҳаза» юритган муаллиф, империянинг ихтиёрийлик асосида барпо этилгани хусусидаги моғор босган сохта ғояни кўтариб чиқади ва тарихий ҳақиқатдан бутунлай кўз юмади. «XIX аср охирида Россия империяси 22 млн. кв. км.га кенгайди» деб ёзган Абдулатипов бу кенгайиш Кавказ ва Марказий Осиё халқларининг қони эвазига бўлгани хусусида лом-мим демайди. Ҳолбуки, чор Россияси қарийб ярим асрдан зиёд давомида Кавказ халқлари билан (айрим пайтларда бу ҳудудда уруш ҳаракатларида қатнашган рус армиясининг сони 250 минг кишига етган), чорак аср мобайнида Марказий Осиё давлатлари билан уруш ҳолатида бўлгани тарихдан маълум.

Шунингдек, ҳақиқатдан кўз юммай айтадиган бўлсак, асл тарихий рус давлати бугунги Россия Федерацияси эгаллаган жуғрофий ҳудуднинг ўндан бирини ҳам ташкил этмаслиги, Волгадан то Курил ороллариг ача бўлган улкан кенглик эса

СИЁСИЙ ФИКР МАЙДОНЛАРИДА
Хуршид ДАВРОН

ЎЛИКНИ СУДРАГАН БИЛАН ТИРИЛМАЙДИ

бошқа халқлар ва элатлар юртини босиб олиш эвазига бўлгани, неча ўн йилликлар мобайнида Волга, Урол, Иртиш, Энасой ва бошқа дарёлар суви мазлум халқларнинг қонига бўялиб оққани жаҳон аҳлига аён.

СССРни тиклаш баҳона Россия империясини қайта барпо этишдан кўзланган асл мақсад нимадан иборат? Ахир, куни-кеча эмасмиди бизни «Россия қонини сўриб ётишда» айблашганлари, Ўрта Осиёни «қориности» деб масхара қилганлари?! Куни-кеча эмасмиди «Ўрта Осиё республикалари текинхўр, улар Россия миллионларини еб ётишибди», деб аюҳаннос солишлар?! Хўш, шундай экан, нега бугун яна собиқ империяни тиклаш пайида юрибдилар?! Чунки, тўрт-беш йил ичида улкан кенгликлардаги газ, нефт ва бошқа бойликлар талон-тарож этилди, уларнинг таги кўриниб қолди. Чунки, юз эллик йил аввал чор Россиясини босқинчилик юришларига ундаган кимсалар айтганидек: «Бўшаб қолган сандиқларимизни тўлдирадиган бойлик фақат Ўрта Осиёдир!» Шу сабабдан айрим сиёсатдонларнинг биз — ўзбек, қозоқ, туркман, қирғиз ва тожикларни яна темир панжара ичига киритишни кўзлашидан мурод бахту саодатимиз қайғуси эмас, балки ўзбек пахтасини, қозоқ ғаллясини, туркман газини қўлга киритиш, яна ўша бўшаб қолган сандиқларни тўлдиришдан иборат.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов чирик ғояларни кўтариб оғиз кўпиртирувчиларни назарда тутиб, шундай деган эди: «Бизларни ташвишга солаётган бир муаммо бор. Бу — Россиядаги собиқ Иттифоқ шаклини яна тиклаш ва бугун мустақил бўлиб, истиқлол йўлида қадам ташлаётган, эркин нафас олаётган давлатларни эски қолипга қайтариш кайфиятларининг кучайиб кетаётганидир. Бу кайфиятни эски тизимни қўмсаб турган ва бош кўтараётган кучларнинг ҳаракатида яққол кўриш мумкин. Турли далиллар ва кучлар ишга солинмоқда. Матбуотда ташвиқот кундан-кунга кучайиб бораётир.

Нима эмиш, бугунги қийинчиликдан, иқтисодий инқироздан, танқислик ва етишмовчиликлардан фақат собиқ Иттифоқ таркибига қайтиш билангина қутулиш мумкин экан? Табиий савол туғилади: Ўзбекистон етмиш йил мобайнида текин хом ашё макони эди, хўш, ўша Иттифоққа Ўзбекистон ва умуман Ўрта Осиё минтақаси марказ ва бошқа республикаларни яна сувтекин хом ашё билан таъминловчи сифатида қайтадими?..

Ўзбекистоннинг ўз бойлигига ўзи эга бўлгани, шу бойликларни ўз халқи манфаати учун, келажак авлод учун, буюк бир давлат, адолатли жамият қуриш учун ишлатаётгани ёқмай қолаётгани, бу ҳол, айниқса, ана шу бойликлардан жудо бўлганларда норозилик уйғотаётгани бизларга аён».

Р. Абдулатиповнинг фикрига кўра, собиқ СССРнинг парчаланиб кетиши тарихий қонуниятлар натижасида эмас, айрим раҳбарларнинг эҳтиросга берилиши-ю, Горбачев бошлиқ раҳбариятнинг ҳокимиятни бошқара олмагани туфайли юз берган. Шу сабабдан республикаларнинг мустақиллиги халқларнинг хоҳиш-иродаси бўлмай, балки «ўзини хон ва бек деб санаган» айрим раҳбарлар истагининг натижаси эмиш. Неча йиллар давомида ўз мустақиллиги томон интилган, шу интилиш йўлида беҳисоб фарзандларидан айрилган халқларга туҳмат эмасми бу?! Жаҳон ҳамжамияти тан олган, не-не халқаро ташкилотларга қабул қилинган давлатлар ва уларнинг бутун мамлакатлар томонидан эътироф этилган раҳбарларига қаратилган бундай бетамиз вайсашлар ўзининг беҳосиллиги билан кишини афсуслантирмай иложи йўқ.

(Давоми 2-бетда)

ЭЛ ИШОНЧИГА САЗОВОР

Куни кеча Андижон вилоятининг 49-Избоскан сайлов округида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига бўшаб қолган ўрин учун сайлов бўлиб ўтди. Рўйхатга олинган 42 минг 270 сайловчидан 41 минг 998 киши овоз беришда қатнашди. Депутатликка номзоди қўйилган Азизхон Қаюмовни ёқлаб 41 минг 870 сайловчи овоз берди. Бу овоз беришда қатнашган сайловчиларнинг 99,7 фойизини ташкил этади.

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси Марказий ҳайъатининг раиси академик Азизхон Қаюмовни халқнинг мўътабар ишончини қозонгани билан қутлаймиз ва мамлакатимиз парламентидаги фаолиятининг самарали бўлишини тилаймиз.

ХОТИН-ҚИЗЛАР ВА ЭКОЛОГИЯ

«Экосан» халқаро экология ва саломатлик жамғармаси билан Республика хотин-қизлар қўмитаси қошида ташкил этилган хотин-қизлар уюшмаси фаолларининг Тошкентда бўлиб ўтган йиғилишида кенг миқёсдаги экология дастурларини амалга оширишда аёлларнинг иштироки масаласи муҳокама қилинди.

Йиғилишни Республика Бош вазирининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилбар Ғуломова бошқарди. У ўз нутқида сўнгги пайтларда хотин-қизлар жамият ҳаётида тобора фаол иштирок этаётганини таъкидлади. Уларнинг кўпчилиги турли давлат ва жамоат ташкилотларига бошчилик қилмоқда, тадбиркорлик, илм-фан билан шуғулланмоқда. Аммо, уларнинг асосий вазифаси — халқимизнинг келажаги бўлмиш соғлом болаларни бунёдга келтириб, тарбиялаш вазифаси ўзгаришсиз қолмоқда. Бу вазиятда ёш авлоднинг қандай экологик шароитда ўсиши катта аҳамиятга эга. Шу сабабли, экология дастурлари билан шуғулланаётган хотин-қизлар уюшмаси олдида муҳим вазифа турибди. Бу вазифа «Экосан» жамғармаси амалга ошираётган дастурларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдан иборат.

Йиғилишда иштирок этган «Экосан» халқаро жамғармаси президенти Юсуфжон Шодиметов тўпланганларга жамғарманинг фаолияти ҳақида сўзлаб берди. У Республика хотин-қизлар ташкилотларининг мадади бўлмаса, дастурдаги кўпгина тадбирларни амалга ошириш анча қийин бўлишини таъкидлади. «Болалар, экология ва саломатлик» ҳамда «Хотин-қизлар, экология ва саломатлик» каби кенг миқёсли лойиҳалар аёлларнинг бевосита иштирокида амалга оширилиши лозим. Санитария-гигиена ва маърифий тадбирларга, аҳолини экологик вазиятдан хабардор қилиб туриш, болаларни тўғри тарбиялаш, атроф-муҳитга оқилона муносабатда бўлишни тарғиб этишга алоҳида эътибор бериш зарур.

Йиғилишда ташкилий масала ҳам кўрилди. Республика ташхис маркази директори Дилфуза Ғуломова «Экосан» жамғармаси ва хотин-қизлар қўмитаси қошидаги хотин-қизлар уюшмаси раиси этиб сайланди. Уюшма фаоллари бу ташкилотнинг раёсатини ҳам сайладилар.

А. ИВАНОВА,
ЎзА мухбири

БОБУР ИЖОДИГА ҚИЗИҚИШ

Ўзбекистон халқаро маданий-маърифий алоқалар уюшмасида Умумҳиндистон илғор ёзувчилар уюшмасининг бош котиби, Деҳли университетининг профессори, «Ҳиндистон-Ўзбекистон» жамиятининг бошлиғи Қамар Райиснинг ёзувчилар, шоирлар ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодини тадқиқ этиш билан шуғулланаётган олимлар билан учрашуви бўлди. Улар орасида Пиримқул Қодиров, Хайриддин Султонов ва бошқа таниқли адиблар бор эди.

Ижодкор зиёлилар вакиллари «Ҳиндистон-Ўзбекистон» ва «Ўзбекистон-Ҳиндистон» жамиятларининг биргаликдаги фаолияти ҳамда улар ўртасидаги дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш масалаларини муҳокама қилдилар. Бу алоқалар икки мамлакат халқлари маданияти, тарихи, анъаналари ва ҳозирги турмуши билан танишиш учун янги имкониятлар очади.

Профессор Қамар Райис ўзбек шоирлари, адиблари ва олимлари ёрдамида буюк шоир ва давлат арбоби Бобурнинг шеърларини урду, ҳинд ва инглиз тилларига таржима қилиш ниятида эканини айтди.

Ўн олтита китоб, жумладан «Алишер Навоий ва Ўзбекистон» илмий асарининг муаллифи Қамар Райис республикамизга биринчи марта ташриф буюргани йўқ. У 1962 йилдан бошлаб Тошкент Давлат университетида урду тили ва адабиёти бўйича лекциялар ўқиган. У хорижда ўзбек адабиётини тарғиб этиш борасида кўп иш қилган: Ғафур Ғулом, Зулфия, Ойбек, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов ҳамда республикамизнинг бошқа шоирлари асарлари урду тилида унинг таржимасида янграган.

А. ОТАЕВА,
ЎзА мухбири

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ УСТАВИ

I. Умумий қоидалар

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси республика фуқароларини ихтиёрий равишда сиёсий оқимга бирлаштирган миллий тикланиш ғоялари руҳида фаолият кўрсатадиган парламент типидаги партиядир. Партиянинг бош мақсади - миллий манфаатлар заминидаги янги ўзбек давлатининг асосларини яратиш, ҳуқуқий давлат ва фуқаролар жамияти барпо этиш, Ўзбекистонни жаҳоннинг етакчи давлатлари сафига олиб кириш учун халқни сафарбар қилишдан иборат.

1.2. Партия ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, бошқа қонуний ҳужжатлар ва мазкур Устав асосида олиб боради.

1.3. Партия фаолияти ўз-ўзини бошқариш, ошкоралик, ҳурфикрлилик, қонуннинг устиворлиги, ихтиёрийлик, аъзоликка якка тартибда қабул қилиш, партия фаолиятида фаол қатнашиш, аъзоларининг тенг ҳуқуқлиги қоидаларига асосланади.

II. Мақсад ва вазифалар

2.1. Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг мақсади - миллатни ўз-ўзини англаши, миллий тафаккурлашига кенг йўл очиш, фуқароларда Ватанга садоқат ва муҳаббат дунёқарашини тўла шакллантириш, бозор муносабатларига асосланган янги жамият қуриш, умуминсоний қадриятлар талаблари асосида миллий тикланиш йўлидан ривожланишга эришиш, миллий мерос ва анъаналарни рўёбга чиқариш, миллатнинг илмий-техникавий салоҳиятини юксалтириш ва демократик жамият қуришдан иборатдир.

2.2. Партиянинг вазифалари:

— миллий тикланиш ғоясининг бош омили - «Ватан - ягона оила» туйғусини, ватанпарвалик ҳиссини камол топтириш;

— ўз сафларига миллатнинг асл ватанпарвар, садоқатли ва фидойи фарзандларини бирлаштириш ва уларнинг ақлий-ижодий салоҳиятини Ватан истиқболи сари йўналтириш;

— ўз-ўзини теран англаган, сиёсий маданияти етук, демократик ғояларга садоқатли, ташаббускор, юксак малакали ва маънавиятли, истиқлол ва Ватан истиқболи манфаатларини ўз манфаатларидан устун деб биладиган, миллат ва миллий тикланиш йўлида фидойи ёш авлодни тарбиялаш;

— Марказий Осиё халқларининг тарихан бирлик туйғусини қайтадан тиклаш, ягона Туркистон ғоясини азалдан қардош халқлар дунёқарашига сингдириш;

— халқ манфаатлари йўлидаги ислоҳот ва сиёсатни қўллаб қувватлаш, миллий манфаатларга зид ҳар қандай ҳаракатни кескин рад этиш ва унга қарши курашиш;

— миллий тикланиш йўлида жамиятдаги барча сиёсий кучлар, ижтимоий ҳаракатлар ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш;

— ҳалқаро миқёсда бошқа партиялар, ташкилотлар билан муносабат ўрнатиш;

— Ўзбекистон осмони, табиати, ер-суви, барча мавжудодлари соф, тоза, соғлом бўлиши - табиий қобиллик учун курашиш.

III. Партияга аъзолик

3.1. Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга етган, партиянинг Устави ва Дастурини тан оладиган, аъзолик бадалларини мунтазам тўлаб турадиган ҳар бир Ўзбекистон фуқароси партия аъзоси бўлиши мумкин.

3.2. Партия аъзолигига бошланғич ташкилот мажлисларида ёзма ариза асосида ҳамда якка тартибда, очиқ овоз бериш йўли билан қабул қилинади.

3.3. Партияга аъзолик Уставда қайд этилган мақсад ва бурчларга тўғри келмайдиган ҳаракат қилинган тақдирда ёки партия аъзосининг аризасига биноан бошланғич партия ташкилоти мажлисининг қарори билан тўхатилиши мумкин.

IV. Партия аъзосининг ҳуқуқлари ва бурчлари

4.1. Партия аъзоси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

— барча бўғиндаги партия органларига сайлаш ва сайланиш;

— партия йиғинларида муҳокама қилинаётган масалалар юзасидан фикр-мулоҳазалар билдириш, таклифлар, киритиш, дастурий мақсадларни ҳаётга тадбиқ этишда бевосита иштирок этиш,

— партия йиғилишларида ва партия матбуотида ташаббуслар билан чиқиш, ҳаётга зид қарорлар ва партиявий фаолиятни танқид қилиш;

— давлат ҳокимияти органларига бўладиган сайловларда ўз номзодини кўрсатилишига эришиш ёки номзодлар кўрсатиш;

— Ўзбекистон Конституцияси, амалдаги қонунлар доирасида мақсадлари партия дастурига мос келадиган оммавий жамоат ташкилотлари ва сиёсий-ижтимоий ҳаракатлар билан ҳамкорлик қилиш.

4.2. Партия аъзосининг бурчлари:

— партия Устави, Дастури ва қарорларини изчил ҳамда ҳалол бажариш;

— партиянинг халқ, омма билан алоқасини доимий таъминлаб бориш;

— бирон-бир бошланғич партия ташкилоти ҳисобида туриш, унинг ишида фаол иштирок қилиш;

— ижтимоий ҳаётда партия Дастури ғояларини тарғиб этиш;

— партия Дастурига зид ҳар бир ҳаракатга қарши муросасиз бўлиш;

— аъзолик бадалларини ўз вақтида мунтазам тўлаб туриш.

4.3. Партия аъзоси Уставга зид ҳаракат қилганда, партия интизомини бузганда бошланғич партия ташкилоти уни партиявий фаолиятини муҳокама қилади ва айблаш ёки танбеҳ беришдан то партия сафидан чиқаришгача бўлган жазо чораси тўғрисида қарор қабул қилади.

Бундай қарор мажлис иштирокчиларининг учдан икки қисми ёқлаб овоз бергандагина ҳақиқий ҳисобланади.

4.4. Партия аъзолигидан чиқарилган шахс бир ой муддат ичида партиянинг юқори органларига ёзма равишда мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Шикоят аризаси 30 кунлик муддат ичида кўриб чиқилиши ва унинг натижаси ариза берувчига етказилиши лозим.

V. Партиянинг парламент фаолияти

5.1. Партия ўзининг сиёсий фаолиятини Олий Мажлис, Қорақалпоғистон Республикаси Жуқорғи Кенгеси, вилоят ва туман кенгашлари ва давлат ҳокимиятининг турли поғоналаридаги партия аъзоси бўлган ўз вакиллари орқали амалга оширади.

Партия сайловлар даврида ўз аъзоларини Олий Мажлис, Қорақалпоғистон Республикаси Жуқорғи Кенгеси, вилоят, шаҳар, туман кенгашларига депутатликка номзодлар этиб кўрсатади ва бу номзодларни халқ томонидан сайланиши учун умумпартиявий сайлов кампанияларини ўтказади. Сайланган депутатларни партия фракцияларига бирлаштириб, улар воситасида қонунлар қабул қилиш, ҳукумат ва уни жойлардаги органларини шакллантиришда, ҳукуматнинг ички ва ташқи сиёсатини белгилашда иштирок этади.

5.2. Партия фракцияси партия Уставига амал қилади ва у ўз фаолиятида партия Дастурини ҳаётга тадбиқ этиш чора-тадбирларини кўради. Партия фракцияси Марказий ҳайъат қарорларини бажариб боради ва вақти-вақти билан унга ҳисоб бериб туради.

5.3. Олий Мажлисга депутатлар номзодлари партия қурултойида, маҳаллий кенгашларга депутатликка номзодлар эса маҳаллий партия ташкилотлари конференцияларида кўрсатилади.

5.4. Партия фракцияси бошқа сиёсий партиялар ва ҳаракатлар фракциялари билан Ўзбекистон Коституцияси ва қонунлар доирасида партиянинг мақсад ва вазифаларига мос бўлган масалалар бўйича ҳамкорлик қилиши мумкин.

VI. Партиянинг ички тизими

6.1. Партиянинг қуйи органлари мустақил фаолият юритадилар. Улар юқори органлар олдида дастурий мақсадларни бажариш юзасидан ҳисобот бериб боради.

6.2. Партиянинг юқори органлари томонидан қабул қилинган қарорларни бажариш барча аъзолар учун мажбурийдир.

6.3. Ошкоралик, ҳурфикрлиликка таянган партия ташкилотлари жамоатчилик асосида ўз-ўзини бошқаради. Улар ўз мақсад ва вазифаларини амалга оширишда жамоатчиликка таяниб иш кўрадилар. Шу мақсадда турли сиёсий-ижтимоий клублар, марказлар, семинарлар, ишчи гуруҳлар ташкил этиш, уларнинг ишига партия аъзолари бўлмаган фуқароларни ҳам жалб қилиш мумкин.

VII. Бошланғич партия ташкилотлари

7.1. Бошланғич партия ташкилотлари партиянинг негизидир. Бошланғич партия ташкилоти камида 5 нафар партия аъзоси бўлган тақдирда тузилади, ҳамда у тегишли туман ёки шаҳар партия ташкилоти томонидан рўйхатга олинади. Бошланғич партия ташкилотлари ишлаб чиқариш, шунингдек, ҳудудий принциплар асосида тузилиши мумкин.

7.2. Йирик бошланғич партия ташкилотларида партия гуруҳларини ҳам тузиш мумкин.

7.3. Бошланғич партия ташкилотлари ўз ваколатлари доирасида мустақилдир. Улар барча масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳаза ва таклифлари билан партиянинг юқори органларига мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

7.4. Бошланғич ташкилотнинг раҳбар органи - умумий партия йиғилишидир. Йиғилиш камида уч ойда бир марта ўтказилади.

7.5. Йиғилишлар ўртасида партиявий ишлар олиб бориш, партия Дастури ва қарорларини ҳаётга тадбиқ этиш учун партия йиғилиши Раёсат, раис ва унинг ўринбосарини 3 йил муддатга сайлайди. Партия гуруҳлари йиғилиши эса гуруҳ котибини сайлайди.

VIII. Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар, вилоят, шаҳар, туман партия ташкилотлари

8.1. Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоят партия кенгашлари партиянинг минтақавий ташкилотларидир. Уларнинг раҳбар органи конференциядир. Конференция Қорақалпоғистон Республикаси Жуқорғи Кенгеси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар кенгашлари депутатларини сайлаш кампанияси арафасида ва ҳисобот сайловлари даврида ўтказилади. Лекин, у камида беш йилда бир марта чақирилиши зурурдир.

8.2. Навбатдан ташқари конференция партия ташкилоти аъзоларининг камида учдан бир қисмини бирлаштирган партия ташкилотларининг талаби билан ҳам чақирилиши мумкин.

8.3. Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар, вилоят, туман конференциялари 5 йил муддатга ўзларининг партия ҳайъатларини сайлайдилар. Партия ҳайъатлари эса раислар ва раёсат аъзоларини сайлайдилар.

8.4. Конференция фақатгина ўзига ҳисобот берадиган тафтиш комиссиясини 5 йил муддатга сайлайди.

8.5. Конференция партиянинг дастурий мақсад ва вазифалари асосида минтақавий партия ташкилотларининг жорий вазифаларини белгилайди. Шунингдек, у юқори партия ташкилотлари конференцияларини ва қурултойга белгиланган миқдорда ўз вакилларини сайлади. Конференция ишида унга сайланган делегатларнинг учдан икки қисми ҳозир бўлгандагина у ваколатли ҳисобланади.

8.6. Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар партия конференциялари ҳар бир минтақалар учун тенг миқдордаги квота асосида Марказий ҳайъат аъзоларини сайлайдилар.

IX. Партиянинг олий ва раҳбар органлари

9.1. Партиянинг олий органи қурултойдир. Қурултой партия Марказий ҳайъати томонидан камида 5 йилда бир марта чақирилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Олий Мажлис депутатларига сайлов кампанияси даврида махсус қурултой чақирилади. Қурултой Олий Мажлисга депутатлар номзодини кўрсатади. Қурултойдан камида икки ой аввал Марказий ҳайъат унинг чақириш вақти, кун тартиби, вакиллик нормаларини аниқ кўрсатган ҳолда қарор қабул қилади.

9.2. Партиянинг навбатдан ташқари фавқулодда қурултойи Марказий ҳайъат ташаббуси билан ёки партия аъзолари умумий сонининг камида учдан бир қисмини бирлаштирган партия ташкилотлари талабига мувофиқ чақирилади. Қурултой сайланган вакилларнинг камида учдан икки қисми ҳозир бўлгандагина ваколатли ҳисобланади.

9.3. Қурултой, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар партия ташкилотлари таклифларига асосан Марказий ҳайъат ва Тафтиш комиссиясини меъёрини белгилайди.

9.4. Қурултой:

— партия Дастур ва Уставини қабул қилади ва уларга тўлдиришлар, ўзгартиришлар киритади. Республиканинг ички ва ташқи сиёсатига оид ўзининг таклиф, тадбирларини муҳокама қилади ва ишлаб чиқади;

— сайловолди дастурлари, ҳужжатлари ва турли кўрсатмаларни қабул қилади;

— Марказий ҳайъатга 5 йиллик муддат давомида зарур бўлган ўз ваколатларини бериши мумкин. Партия Тафтиш комиссиясини сайлайди ва унинг вазифаларини белгилаб беради;

— Марказий ҳайъат, Тафтиш комиссияси, қурултой томонидан сайланган бошқа раҳбар органлар ҳисоботларини муҳокама қилади ва улар ҳақида тегишли қарорлар қабул қилади. Партия фракцияси ва гуруҳларининг Олий Мажлисдаги фаолияти ҳақидаги ҳисоботларини тинглайди. Улар тўғрисида ўзининг тегишли қарорларини қабул қилади. Марказий ҳайъат томонидан қабул қилинган тегишли қарорлар Қурултойда тасдиқланади.

9.5. Қурултойлар оралиғида Марказий ҳайъат зарур ҳолларда умумпартиявий конференция чақириш ҳуқуқига эга. Умумпартиявий конференция партия раҳбар органларига, Тафтиш комиссияси таркибига ўзгартиришлар киритиши ва дастурий ҳужжатларни қабул қилиши мумкин.

9.6. Қурултойлар оралиғида доимий ишлайдиган партиянинг раҳбар органи Марказий ҳайъатдир. У партия Дастури, қурултойлар, умумпартиявий конференциялари қарорларини ҳаётга тадбиқ этиш, партия фракциясининг Олий Мажлисдаги ишларини мувофиқлаштириш каби ишларни амалга оширади.

9,7. Марказий ҳайъат ўз пленумларида ўзининг таркибидан Марказий ҳайъатнинг Раёсатини, Марказий ҳайъатнинг раиси ва раис ўринбосарларини беш йил муддатга сайлайди. Раёсатнинг вазифалари ва ваколатларини белгилайди.

9.8. Партиянинг ахборот ва ноширлик органларини ташкил этади. Уларга раҳбарлар сайлайди ва юридик мақомини белгилайди.

9.9. Марказий ҳайъатнинг пленумлари камида ярим йилда бир марта ўтказилади. Марказий ҳайъат аъзоларининг учдан икки қисми қатнашган пленум тўла ваколатлидир. Пленум қатнашчиларининг ярмидан кўпи ёқлаб овоз берган қароргина қабул қилинган ҳисобланади.

9.10. Партия Тафтиш комиссияси ўз Уставига биноан фаолият юритади. Унинг аъзоси партиянинг бошқа органларида ва лавозимларида ишлаши мумкин эмас.

X. Партиянинг рамзлари

10.1. Партия белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган ўз рамзига эга бўлади. Уларни Марказий ҳайъат тақдимига биноат Қурултой тасдиқлайди.

XI. Партиянинг мулки

11.1. Партиянинг мулки аъзолик бадаллари, амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда хайрия ва партия ташкилотларининг даромадлари асосида шаклланади. Шу мақсадда партия нашр органлари, ишлаб чиқариш корхоналари ташкил қилиши мумкин. Партияни идора қилиш ишлари билан боғлиқ моддий, молиявий харажатлар ана шу партия жамғармаси ҳисобидан таъминланади.

Партия ташкилотлари партия Уставида белгиланган ишларни амалга оширишда айрим фуқаролар, корхоналар, фирмалар томонидан қонунга хилоф бўлмаган йўл билан партияга ўтказилган маблағлар ва мулклардан фойдаланишлари мумкин.

11.2. Партия аъзоларининг аъзолик бадаллари улар даромадларининг камида бир фоизини ташкил қилади. Бошланғич партия ташкилотларининг йиғилишлари ўз қарорларида моддий шароити оғир аъзоларини азолик бадаллари миқдорини камайтиришлари ёки бутунлай озод этишлари мумкин.

11.3. Партиянинг йиллик бюджети, маҳаллий партия ташкилотлари ҳамда партия ишхоналари ва муассасаларининг даромадларидан ажратилган маблағлар миқдори, унинг тақсимоти, ижроси тўғрисидаги ҳисобот ҳар йили Марказий ҳайъат томонидан тасдиқланади ва жойлардаги партия аъзоларига бу ҳақда хабар қилади.

11.4. Партия тасарруфида бинолар, ишлаб чиқариш, техника воситалари каби барча мулкларга эга бўлиши мумкин.

11.5. Партия Марказий ҳайъати, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, шаҳар, туман партия тишкилотлари ҳайъатлари юридик шахс ҳисобланадилар. Улар банкда ўз ҳисоб рақамларини очадилар ҳамда миллий ва хорижий валюталарда ҳисоб-китоб ишларини олиб борадилар.

XII. Партия фаолиятини тўхтатиш тартиби

12.1. Партия фаолиятини тўхтатиш масаласини ҳал қилиш фақат Қурултой қарорига биноан амалга оширилади. Шунингдек, партия фаолияти Конституция ва қонунчиликда кўрсатилган қоидалар асосида ҳам тўхтатилиши мумкин.

XIII. Марказий ҳайъатнинг қароргоҳи

13.1. Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси Марказий ҳайъатнинг қароргоҳи Тошкент шаҳрида жойлашган.

ЎЛИКНИ СУДРАГАН БИЛАН ТИРИЛМАЙДИ

(Боши 1-бетда)

Ўзини миллий сиёсат билимдони деб санаган (Сталин бўп кет-э) Абдулатипов эътирофича, ўтган вақт мобайнида, бир пайтлар Суслов айтганидек, «ягона совет халқи» эмас, балки янги этник бирлик — Россия суперэтноси вужудга келган экан. Шу сабабдан ҳам бир-биридан ажратилган Грузия, Озарбойжон, Доғистон бундан кейин айри-айри яшолмаслиги тайин гап экан. Токи бирлашмас эканмиз, на Грузия, Абхазия ва Осетияда, на Тожикистонда уруш олови тўхтар экан. Бу сўзларни ўқир эканман, собиқ СССР ҳудудида тўкилаётган ҳар томчи қондан роҳатланган кимса кўз олдимга келади ва ҳайратга тушаман. Бир пайтлар Гитлернинг гумаштаси Геббелс «Германиянинг Оврупо мамлакатларини босиб олишдан кўзлаган мақсади нотинчликларга барҳам беришдир» деб айтгани ёдимга тушади.

Р. Абдулатипов ҳар икки мақоласининг бирон ўрнида СССР нега парчаланди деган саволга жавоб изламайди. Унинг назарида бунга ёлғиз Горбачеву Елсин айбдор.

Мен «СССР нега парчаланди?» деган саволга Мавлоно Восфийнинг бир ҳикмати билан жавоб берган бўлардим. Мавлоно беш юз йил аввал шундай ёзган эканлар: «Қайсиким мамлакатда зулму бедодлик олий даражасига етдими, унга завол ҳамроҳ бўлади. Қайсиким мамлакатда фуқаролар кўнглида эртага бўлган ишонч йўқолдими, бундай мамлакатнинг келажаги бўлмайди».

Шу сабабдан ҳам Р. Абдулатиповнинг халқларнинг СССР-га бўлган ишончи ҳали мустаҳкамлиги ҳақидаги чўпчаклари кулгили туюлади. Ўзбек халқининг собиқ тузумга бўлган ишончи куни-кеча эмас, ўша тузум барҳаётлигидаёқ сўнган эди. Бу ишонч миллий қадриятларимиз топталганда, Қодирий, Чўлпонлар отилганда, сонсиз фидойи инсонлар авахталарда чириганда, Оролдек буюк денгиз қуриганда, далаларимиз заҳри қотил билан заҳарланганда, болаларимиз давосиз дардларга чалинганда, она тилимиз ва қадимий маданиятимиз хор этилганда, бутун миллат «босмачи», «ўғри» деб аталганда, «ўзбек иши» деб жар солинганда, буткул сўнган эди. Бу ишончни зўравон тузумнинг ўзи йўққа чиқарди. Бу тузум мобайнида онг ва шуурримизга ҳар дақиқа: «Сизлар муте, қарам миллатсиз, сизлар учун биз фикрлаймиз, назария яратамиз, амру фармон берамиз, сизлар эса фақат бажаришларинг керак, холос!» деб заҳар қўйишдан кўзланган мақсад ҳам бизни фақат ўтмишга бўлган ишончимизни эмас, келажакка бўлган умидимизни ҳам топтаб ташлашдан иборат эди. Ҳолбуки, ҳеч мақтанмай айтай: жаҳон тарихи гувоҳ, дунёдаги энг қадимий, энг одил салтанатларни бизнинг боболаримиз бунёд этишган. Буюк Оврупо мутаффаккири К. Ясперснинг гувоҳлик беришича, инсоният тарихининг илдизи Ўрта Осиёдадир. Бу кўҳна тупроқда яшаган халқлар ўз давлатчилик асосларини минг йил билан эмас, беш-олти минг йилликлар билан ўлчайдилар. Шундай экан, бу қадимий халқлар бирон-бир халқнинг етагида юрмай, ўз давлатларини қайта тиклашга киришганда минг карра ҳақлидир. Бу уларнинг ўтмиш ва инсоният олдидаги қутлуғ вазифалари ҳисобланади.

Истиқлол туфайли бугун бу кўҳна заминда асрлар давомида шаклланган, аммо чор ва шўро империяси пайтида қатлиом этилган Туркистон халқларининг тарихий бирлиги қайта тикланмоқда. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, «Халқларимизнинг азалий бирлиги ва бирбирига интилиши ҳар бир уйда, ҳар бир оилада, ҳар бир қишлоқда ва ҳар бир шаҳарда яқ-қол сезилади. Минтақа бирлиги туйғуси нафақат маҳаллий халқ вакилларининг, балки бу гўзал заминни она ватан деб қабул қилган рус, украин, белорус, татар, корейс, яҳудий ва бошқаларнинг қалбидан ҳам муносиб ўрин олгандир».

Бу маданий-маънавий ва иқтисодий бирлик Туркистон заминидаги мустақил давлатларнинг сиёсий мустақиллигини мустаҳкамлашга хизмат қилишига шак-шубҳа йўқ. Биз Абдулатиповлар тарғиб этган куч ва зўравонлик билан қурилажак «иттифоқ» ниқобидаги империялар эмас, балки тарихий, маданий-маънавий ва иқтисодий ҳамкорлик заминидаги тараққиёт тарафдоримиз.

Мустақиллик йўлидан минг бир машаққат билан, аммо дадил бораётган қадимий халқларни умумжаҳон тараққиёти йўлидан қайтариб, яна янги империя ташкил этиш бўйича тажрибалар ўтказишни орзу қилган, мамлакатларнинг мустақил яшашини кўролмаётган сиёсатдонлар қанчалик уринишмасин, улар бу халқларни энди истиқлол ва юксалиш йўлидан қайтаришга иложсиздирлар. Уларнинг бу каби барча баҳслари, оқни қора қилиб кўрсатишлари, тарихдан кўз юмишлари беҳосилдир. Зеро, XX асрнинг буюк ҳақиқати шундан иборатки, ҳар қандай халқ, ҳар қандай миллат фақат мустақил сиёсий бирлик, яъни давлат қуролган тақдирдагина сиёсий ва маънавий жиҳатдан мавжуд бўлиш имкониятига эга бўлади. Бундай мустақил сиёсий бирликка эга бўлмаган миллат ё бошқа миллатнинг қули ёки изсиз йўқолишга маҳкум бўлади. Бугун биз бу аччиқ ҳақиқатни теран англаганмиз.

Ғарб сиёсатшуноси Грэм Фуллер ёзганидек, СССРнинг парчаланиб, асоратдаги миллатларнинг мустақил давлатларга эга бўлиши Октябр инқилоби ва Иккинчи жаҳон урушидан кўра оламшумул аҳамиятга эга. «Инқилоб ва уруш қанчалик улуғвор бўлмасин, улар XX асрга мансубдир, — деб ёзади Фуллер. — Аммо узоқ йиллик истибдоддан қутулган қадимий халқларнинг мустақиллик йўлига чиқиши, янги жамият қура бошлагани келажакка дахлдордир». Ҳа, биз мустақиллик туфайли яна келажак бунёд этувчи миллатлар сафига қўшилдик, бу бизнинг асрларга уланган тарихий йўлимизнинг давомидир.

Р. Абдулатипов «Литературная газета»даги суҳбатида бир савол муносабати билан шундай дейди: «Мен собиқ шифокорман, шунинг учун фикрим аниқ: шифокорни бемор ҳузурига чақиришдан аввал беморнинг томир уриши борми-йўқми, шуни аниқлаш лозим. Агар томир уриши йўқ экан, ёрдам беришдан наф йўқ, энг даҳо табиб ҳам бундай пайтда ёрдам беролмайди». Мен бу ўринда унинг фикрларига тўла қўшиламан. Шу сабабдан ҳам, унинг СССРни қайта тиклаш ғоясидан ҳам ҳеч қачон наф чиқмаслигини айтиб, бу орзу илинжида пайт пойлаб юрганларга ўзбек халқининг бир ҳикматини эслатаман, холос: «Ўликни судраган билан тирилмайди».

ЎЙЛАМОҚ ИЙМОН НИШОНАСИДИР



Ижод — оламнинг дарду кувончи

ҲАР ИШДА САЛОҲИЯТ

Миллий тикланиш партиясининг тузилишига янги бир партиянинг ташкил топиши деб эмас, балки жамиятимиз учун эҳтиёжга айланган, зарурий ижтимоий ташкилот деб қаралмоғи керак. Президентимиз таъкидлаганларидек миллий мафкурамизни шакллантиришга ҳисса қўшиш, ҳар бир Ўзбекистон фуқароси зиммасидаги улкан, мартабали вазифадир.

Шубҳасиз, миллий мафкурамизнинг камол топиши, гуллаб яшнашига озиқ берадиган, Республикамиз тараққиётига асос бўладиган омиллардан бири халқимизнинг миллат сифатида ўз-ўзини топиши, юксалиши демакдирким, бу йўлдаги барча изланишлар йўриғи, шакл-шамойили мазкур партия дастурида мужассам топди. Жонажон Ўзбекистонимизнинг қолаверса, Туронзаминнинг барча имкониятларидан фойдаланиб, аждодларимиз ўгитларига амал қилиб, бой маънавий меросимизни ўрганиб, халқимиз бошидан кечирган тарихдан илмий хулосалар чиқариб, миллий тикланишимизни, халқимизни халқ сифатида кўксини кўтариб янада обрў-эътибор қозонишини таъминлашимиз лозим. Шундагина ҳам ёш, ҳам қадимий диёримиз бутун бир салоҳияти, пурвиқор мартабаси билан жаҳон мамлакатлари орасида ўз қадр-қимматини, истиқболини тўла намойиш қилади.

Бунинг учун аввало болалар тарбиясидан иш бошлашимиз вожибки, бусиз қилган ишларимиз ҳеч, ўйлаган ўйларимиз саробдир. Чунки болалар келажагимиз, шулар билан мустақиллигимиз мустаҳкамланади, ривожланади. Аждодларимизнинг муборак таъбирларича: «Қайси юртнинг тарбияси ва табобати қўлдан кетса, ўша юрт хароб бўлади» дейилган. Демак, мустақил давлат сифатида оёққа турган барча мамлакатларнинг бўй ростлаб, дадил қадам отмоғига қувват берувчи ягона куч — болалар тарбияси экан. Биз болаларни соғ-саломат ўсмоғи учун, уларнинг миллатимизнинг фахри сифатида таълим-тарбия олмоқлари учун бутун куч-қувватимизни ишга солиб ҳаракат қилмоғимиз шарт. Ҳукуматимиз раҳбарияти томонидан «Соғлом авлод учун» шиорини тадбиқ этилиши ва шу борада қилинаётган сайъ-ҳаракатлар ҳам юқоридаги фикримизни далиллайди.

Миллий тикланиш партияси ана шундай улуғ ва муқаддас ишни рўёбга чиқаришга асосланган ҳамда шунга йўналтирилган, сиз ва бизнинг орзу-армонларимизни ўз дастурига киритган маънавият жумбоқларини ҳал этувчи бирдан бир жамоадир. Жамоа сафига кириб, мамлакат истиқболи учун курашишда ҳамнафас бўлишга чақирамиз!

Б.МУРОДАЛИ

ДАВРИМНИ ЎЙЛАЙМАН

ОСМОН УСТУНЛАРИ

Тошкентдаги улуғвор, муҳташам бинолар ичида биттаси доимо мени ҳайратга солади. Мустақиллик майдонидаги устунлар устида турган бу салобатли бинога қараб: саноқлигина устунлар ўта вазмин бу юкни қандай кўтариб турибди экан, дея ҳайрон бўламан.

Аслида, бунинг ҳайрон қоларлик жойи ҳам йўқ. Чунки халқимизнинг минг йиллардан бери истеъмолдан тушмай келаётган «Осмон устуни», «Осмоннинг устуни қўлингда бўлса, ташлаб юбор», деган таъбирлари барчамизга таниш, бунинг устига, бу таъбирларнинг умри боқийлиги бежиз эмаслиги устида ўйлаб кўрадиган бўлсак, юқоридаги хулосага келишимиз қийин эмас.

Ғазал мулкининг султони бўлмиш буюк бобомиз Алишер Навоий умрининг анчагина қисмини асосий иши — шеърий жавоҳирлар яратишдан «тежаб», юрт тинчлигини сақлаб туришга, яъни дўсти — мамлакат султони Мирзо Ҳусайн Бойқаро билан фарзандлари ўртасидаги узлуксиз низоларни бартараф этишга сарфлаган. Вазири аъзам, истаган пайтида истаган нарсаси муҳайё қилиниши имконига эга бир зот бу имкониятдан тўла фойдаланиши, бинобарин, ҳаётини хавф остига қўймасдан, жонини қийнамасдан, умрини роҳат-фароғатда ўтказиб, шоҳ асарларини битавериши мумкин эди. Аммо, буюк зотнинг табиати ўз манфаатидан юрт, халқ осойишталигини устун қўйишни тақозо этган.

Оллоҳ таоло жаҳонгирлик рутбаси билан яратган буюк соҳибқирон Амир Темурдан адолат, мардлик, мустаҳкам давлат тизими барпо қилиш сингари жуда кўп ибрат мерос қолган. Бу буюк зот сиймосини кўз олдимизга келтирганимизда, уни сафарлару жанги жадалда, яъни доимий ҳаракатда кўришга одатланганмиз. Чунки бобомизнинг мислсиз фаолияти уни тасаввуримизда ана шундай мужассамлантиради. Бироқ, орада бул буюк зотнинг шу қадар қайноқ, шу қадар тинимсиз умрида мамлакат ободонлиги учун алоҳида вақт топа олгани, муҳташам бинолар, жаннатмисол боғлар барпо қилинишида бевосита бош бўлиб ҳам турганини эътибордан соқит қилиб қўямиз. Бир қарашда бир-бирига зид бўлиб кўринадиган бу икки хусусият-аслида, буюк зотларга хос фазилат экани устида ҳар доим ҳам ўйлаб кўравермаймиз.

Буюк соҳибқироннинг набираси Муҳаммад Тарағай Улуғбек қарийб қирқ йил давомида давлатни бошқарган. У султонлик қилган даврда мамлакатда асосан осойишталик ҳукм сурган. Султон ҳар доим ҳам мавжуд бўлавермайдиган, ҳар қандай ҳукмдорга ҳам насиб этавермайдиган мана шу осойишта вазиятдан фойдаланиб, умрини роҳат-фароғатда ўтказиши лозиммиди? Албатта! Бироқ, парвардигор юрагига осмон, юлдузлар ишқини ташлаган Мирзо Улуғбек ўзига берилган бу имкониятдан фойдаланмайди — расадхона қуриб, мадрасалар барпо қилиб, аҳли илмга таълим беради.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур... бор-йўғи қирқ етти йилгина умр кўрган, бу муддатнинг ҳам катта қисмини от устида ўтказган, Ҳиндистондек улкан юртда буюк давлат барпо этган, бунинг устига, юраги доимо юрт ҳажрида куйиб яшаган, эҳтимолки, шу ўт бироз пасаярмикан, деб унга майи нобдан сепиб турган, пасаявермагач, ҳатто саҳарлар туриб «сабуҳий» чора кўрган бу мислсиз зот ўзига яна гўзал ашъорий ва «Бобурнома»дек насрий-тарихий ҳайкал қўйишга вақту имконни қаердан топди экан? Қисқагина умридан ўзи учун, ўзининг жони учун бошқачароқ фойдаланса бўлмасмиди?

Шулар хаёлда ўтар экан, беихтиёр: «Наҳотки, шундай буюк зотлар ўзининг фойдасини билмаган бўлса?»деган савол пайдо бўлади. Чунки биз бугунги кун одамимиз, ҳар ким оламга ўзининг назари, бинобарин, ўз ўлчови билан қараганидек, биз ҳам ҳар бир нарсани ўзимизнинг аршинимиз билан ўлчаймиз. Бизнинг аршинимиз, «мафкура»миз эса, афсуски, қарийб асрлардан бери «фойда» ибораси билан ифодаланадиган бўлиб қолган.

Бироқ, мустақиллик майдонидаги салобатли бино, уни кўтариб турган устунларга қайтайлик. Шунда хаёлимизга бошқа — дунёни саноқли одамлар кўтариб туради, деган фикр келмайдими?

Халқимизнинг улкан, бой тарихини юқорида номлари саналган зотлар, яна Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Қул Хожа Аҳмад Яссавий, Широқ, Тўмарис... сингари аллома-ю баҳодирлардек устунлар кўтариб тургани йўқми? Бу тарих ана шундай мустаҳкам пойдевор устида тургани учун ҳам асрлар тўфонидан омон-эсон ўтиб келаётгани йўқми?

Кейинги юз эллик йиллик истибдод зулмати даврида халқни, тарихни вақти-вақти билан Дукчи Эшон, Мунаввар Қори, Беҳбудий, Фитрат, Қодирий, Мадаминбек... сингари устунлар кўтариб тургани йўқмиди?

Бугун — мустақиллик шоҳсупасида турар эканмиз, бу шоҳсупа ҳам ана шундай устунлар устида турганини бир дам бўлса-да, унутмаслигимиз лозим, деб ўйлайман.

Бугунга қайтайлик.

Худога шукур, халқимизнинг асрий орзуси ушалди. Қисқа муддат ичида Ўзбекистонни жаҳон таниди, асл тарих қайта тикланиб, халқ шу пойдевор устига ўзининг келажагини қуряпти.

Янги иморат қуришнинг ўзи бўлмайди, албатта. Бу ишнинг ўзига яраша машаққатлари бор. Аммо, уйни битириб, ичига кириб олганингиздан кейин бу машаққатлар зумда унут бўлиб кетиши ҳам турган гап.

Етмиш йилдан ошиқроқ вақт мобайнида давом этган коммунистик истибдод халқимизнинг тижорат бобидаги истеъдоди, уддабуронлик, ишбилармонлик сингари қобилиятини эзиб-янчиб келган эди. Эркинлик шабадаси эсиши биланоқ, аслида қонда бор эмасми, бу истеъдод, бу қобилият музни ёриб чиққан бойчечак сингари бирданига жамол кўрсатди.

Шуниси ҳам борки, коммунистик тузум жамиятнинг табиий ривожини тўхтатиб, ўрнига сунъий, ўзининг «мутахассис»лари ишлаб чиққан, «режа асосида ривожланиш» деб аталмиш усулни йўлга қўйган, бинобарин, биз ҳам ана шу усул руҳида тарбияланган эдик. Шунинг учун ҳам, ҳозир қадам қўйганимиз — бозор иқтисодиёти, яъни ҳақиқий, табиий тараққиёт йўлини идрок этиб, унга мослашиш кўпчилигимиз учун бироз қийин кечяпти. Шунинг учун ҳам айримларимиз айрим уддабурон кишиларга ғайирлик билан қараяпмиз...

Бироқ, бозор иқтисодиёти, жамиятнинг табиий тараққиёт йўлига кирганидан қувонган ҳолда, маънавиятни ҳам унутиб қўёлмаймиз, албатта. Шунинг учун ҳам жамоатчиликнинг, айниқса, ижодий зиёлиларнинг бозор иқтисодиёти деганда меъёрга унчалик риоя қилмаётганимиз, фарзандларимизнинг бир қисми ўзини олди-сотдига уриб кетаётгани, бинобарин, моддий бойлик кетидан қувиш маънавий қашшоқликка олиб келиши мумкинлиги хусусида қайғураётгани — табиий ҳол. Чунки, айтайлик, бир йиллик моддий зарар бир-икки йилда қопланиши мумкин, аммо бир йиллик маънавий йўқотишни қоплаш учун гоҳида ўнлаб йиллар ҳам камлик қилади.

Шундай бўлса-да, атрофни кузатган киши бу ҳолдан жуда ваҳимага тушавермаслик лозимлигига ҳам амин бўлади. Чунки, ҳар бир даврнинг ўз фидойилари бўлади уларга қараб туриб ҳаёт ҳеч қачон тўхтаб қолмаганини, тўхтаб қолмаслигини ҳам биламиз.

Мана, шундай кишилардан бир-иккитаси ҳақида сўйлаб ўтсам:

Набижон Боқий деган ёзувчи, журналистни биласиз. У бундан бир неча йил муқаддам ишдан бўшаб, бир йилдан ошиқ вақтини архивларда ўтказди. Натижада Сталин қатағони даври ҳақида, «Қатлнома» деган бир китоб пайдо бўлди. Шундан кейин у яна ҳеч кимдан на сафар харажати, на бошқа ҳаражат учун пул талаб қилиб, Душанбега жўнади ва у ерда архив хужжатларини ўрганиб Иброҳимбек ҳақида китоб ёзди. Унинг биронбир тамасиз қилган бу ишларининг салмоғи мустақилликка хизмат қилмайдими?

Тошкентда юрган шоир, ёзувчи укаларимиз, сингилларимиз анчагина. Улар ўқишни битирганидан кейин юртига кетса, яхшигина мансаб эгаллаши, фаровон ҳаёт кечириши шубҳасиз эди. Бироқ, улар ижодий изланишлар машаққатини ўша ширин турмушдан афзал кўради. Чунки, шоир айтганидек, «Фақат нон деб яшамайди инсон ҳам ерда...»

Бугунги кунда ҳам, барчамизни ташвишга солаётган ҳол — фарзандларимизнинг пул топишга ўта ружу қўйганидан бошқа бир ҳолни ҳам кузатаман. Эрталаблар созини, нота жилдини кўтарганча мусиқа мактабига шошаётган ўғил-қизларни, узоқ-узоқлардан келиб, Чилонзордаги нафис санъатлар мактабида, турли лицейларда таълим олаётган болаларни, Рўзи Чориевнинг ёш шогирдларидан бири — кеча-кундуз устахона «чангини ялаш»дан чарчамайдиган Нуралини, Исфандиёр Ҳайдаровнинг устахонасида «яшайдиган» шогирд ўғли Фарруҳни, яна бошқа шогирди Абдухалилни кўрганимда, уларнинг юксак санъат сирларини ўрганиш машаққатини «бел оғритмасдан» пул топишнинг осон йўлидан афзал билганини ўйлаб, хурсандлигимдан энтикиб кетаман.

Умр бўйи саҳна «чангини ютиб», бирон-бир унвон олмаган,бироқ ҳаётини саҳнадан айри ҳолда тасаввур қилолмайдиган актёрлар, умуман умр мазмунини фидойиликдан иборат деб биладиган бошқа жуда кўп кишилар тўғрисида ҳам фақатгина юксак эҳтиром билан гапириш лозим, деб ўйлайман.

Доимо моддий юкни маънавий устунлар кўтариб келган. Юқорида саналган, «фойдасини билмайдиган» кишилар —. яъни маънавий устунларимиз бор экан, демак, унчалик ўкинишга ҳожат йўқ.

Бунинг устига, ҳукуматимиз ҳам маънавият масаласига катта аҳамият беряпти. Президентимиз фармони билан «Маънавият ва маърифат» маркази ташкил этилгани — бу фикрнинг яққол исботидир.

...Мустақиллик майдонидаги муҳташам, салобатли, вазмин бинони кўтариб турган устунлар туфайли ана шу мулоҳазалар туғилди. Ўша устунлардан фарқли ўлароқ, сўз юритилган устунларни «осмон устунлари» дегим келади. Чунки, улар халқ тарихи, маданияти, маънавиятидек вазмин юкларни кўтариб турибгина қолмай, уларни барча бало-қазолардан асраб-авайлайди ҳам.

Халқимиз барча бойлиги, барча фазилатларидан ташқари, ана шундай «осмон устунлари»га ҳам эга экан, Оллоҳ таоло бароримизни бераверади!

Машраб БОБОЕВ,
ёзувчи

ЎЙЛАМОҚ ИЙМОН НИШОНАСИДИР

Умримиз наслларга ва китобларга нақш солиб ўтади

Олис аждодлар ёди

АРАБ ВА АЖАМЛАР УСТОЗИ

ЗАМАХШАРИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 920 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Жаҳон фани ва маданияти ривожига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшган олимлардан бири Абул Қосим Маҳмуд ибн Умар аз-Замахшарий 467 ҳижрий йилнинг 27 нчи ражаб, яъни 1075 йилнинг 18 нчи март куни Хоразмнинг Замахшар қишлоғида оламга келди. У дастлабки таҳсилни ўз оиласида отаси Умар ибн Аҳмаддан олди. Сўнгра Урганчдаги мадрасалардан бирида машҳур олим Абул-Музар Маҳмуд ал-Исфахонийдан таълим олди ва наҳву сарфни пухта эгаллади. Мадраса таълимини тугатган ёш олим олган билимларни мукаммаллаштириш мақсадида ўз замонаси илму маърифати маркази бўлмиш Бухорои шарифга келади ва етук олимлардан таълим олади. Тарихий манбаларнинг маълумот беришига кўра, Замахшарийнинг бир оёғи ногирон бўлган. Шунга қарамай у ўзга элларга бир неча бор саёҳат қилган. У дастлаб Хуросон ва Исфахонга боради. Хоразмшоҳ Муҳаммад ибн Нуштегин даврида Хоразмга қайтиб келади. У хоразмшоҳлар томонидан ўзига етарли эътибор берилмаётганлигини англайди. Шу сабабли яна саёҳатга отланиб Бағдодга боради. Олим Бағдоддан Маккага ўтади. У ўзининг турли юртларга қилган сафарлари вақтида фақатгина билим олиб қолмай, балки адаб, наҳву сарф, ҳадис, тафсирлардан сабоқ беради ва кўплаб шогирдлар етиштиради. Маҳмуд Замахшарий ўз умрининг охирида она юрти Хоразмга қайтиб келади ва 538 йил зулҳижжа ойи, яъни 1144 йил июн ойи арафасида Урганчда вафот этади.

Забардаст олим Маҳмуд Замахшарий ўзининг сермаҳсул ҳаёти давомида 50 дан ортиқ йирик, тугал асарлар яратган. Улар тилшунослик, луғатшунослик, адабиётшунослик, халқ оғзаки ижоди, фалсафа, ислом тарихи, жуғрофия ва бошқа фанларга оид асарлардир. Маҳмуд Замахшарий ўзининг бой ижодий мероси билан барча давр олимларининг диққатини ўзига тортган ва уларнинг ҳурматини қозониб, қатор шарафли унвонларга сазовор бўлган. Унинг «Фахри Хоразм», «Устозул араб ва-л-ажам» деб юритилиши бошқа миллатларга ҳам устозлик қила оладиган даражада илмлик, доно, зукко эканлигидан далолат беради. Олимнинг «Жоруллоҳ» («Оллоҳнинг қўшниси») номи эса унинг Макка шаҳрида узоқ муддат яшаб илоҳий илмларни пухта эгаллаганлигини кўрсатади. Шунинг натижаси ўлароқ, Маҳмуд Замахшарий муқаддас Қуръоннинг тафсирига бағишланган, илм аҳли учун қадрли, қимматли «ал-Кашшоф» асарини яратган.

Маҳмуд Замахшарийнинг филология соҳасида етук аллома эканлиги ўзи ҳаёт давридаёқ унинг замондошлари томонидан эътироф этилган. Бу ҳақдаги тўлиқ маълумотлар Абу Муҳаммад Самъонийнинг «Китобу-л-ажаб», Ёқут Ҳамавийнинг «Иршаду-л-ариб ила маърифати-л-адиб», Жамолиддин Қифтийнинг «Инбаҳу-р-руват ъала анбаи-н-нуҳат» каби асарларида келтирилган.

Буюк мутафаккир Алишер Навоий ҳам Маҳмуд Замахшарийнинг тенгсиз арабшунос олимлигини тан олган ва ўз «Ҳамса»сининг «Сабъайи сайёр» достонидаги Абдураҳмон Жомийга бағишланган бобида қуйидагича ёзади:

Арабиятда дарс анинг вирди,
Ибни Ҳожиб камина шогирди.
Ибни Ҳожиб демайки, Жоруллоҳ,
Онча тафсир ишинда йўқ огоҳ.

Маҳмуд Замахшарийнинг бебаҳо асарлари орасида «Муқаддамату-л-адаб» алоҳида муҳим ўрин эгаллайди. «Муқаддамату-л-адаб» «Адаб илмига кириш», «Адабиётшуносликка кириш» деб таржима қилинади. Илмий адабиётларда «Адаб» атамаси зарурий таълим фанларининг йиғиндиси сифатида изоҳланади. Шу жиҳатдан ҳам мазкур асар толиби илмларга ўқимишли, саводхон ва кўп қиррали билим эгалари бўлишлари учун етарли маълумот бериш мақсадида юксак тараққиёт поғонасида бўлган даврнинг аҳли илмлари маслаҳати учун яратилган. Ва бу каби масъулиятли, лекин шарафли вазифанинг аллома, араб ва ажам фахри, адиблар каъбаси Маҳмуд Замахшарийга юкланиши бежиз эмас эди. Чунки Замахшарий бу даврга келиб нафақат Хоразмда балким бутун мусулмон дунёсига маърифу машҳур бўлиб, илмий етуклиги, ўз даврининг илмий тили бўлмиш араб, форс ҳамда туркий тилларни юксак савияда, моҳирона билган «даврнинг танҳо зот»ларидан бири эди. Шу сабабли ҳам, олим мазкур масъулиятли ишни юксак муваффақият билан якунлаган ва Хоразмшоҳ Отсизга очиқ юз билан тақдим этган.

Демак, муаллиф мазкур луғатни Хоразмшоҳ Муҳаммад Ануштегиннинг ўғли Алоуддавла Абулмузаффар Отсиз (1127-1156)нинг буйруғи билан унинг кутубхонаси учун махсус яратган ва уни, айрим манбаларнинг кўрсатишича, 1137 йили ёзиб тугатган.

«Муқаддамату-л-адаб» луғати араб тили грамматикаси қоидалари асосида тузилган. У муқаддима ва беш асосий қисмдан иборат. Асар муқаддимасида араб тилининг улуғлиги, бойлиги, уни ўрганишнинг зарурлиги тўғрисида фикр билдирилади. Шунингдек, муаллиф муқаддимада мазкур асарни Хоразмшоҳ Алоуддавла Абул Музаффар Отсизнинг буйруғи билан унинг кутубхонаси учун махсус ёзганлигини айтиб ўтади. Хоразмшоҳ Абулмузаффар Отсиз замонасининг фозиллари, олиму донишмандлари, шоиру адибларига катта ҳурмат билан қараган, чунки унинг ўзи маърифатпарвар, билимдон ҳоким эди. Фан ва маданиятга ҳомийлик қилган ҳукмдорларга атаб муаллиф бир неча асарлар ёзган. Масалан, у ўзининг машҳур асари «Мақомоту-з-Замахшарий»ни Макка амири Ибн Ваҳҳосга бағишлаган ва унга туҳфа қилган. Шунингдек, аллома ижодининг гултожи ҳисобланмиш «Ал-Кашшоф» ҳам Амир Ибн Ваҳҳос кўрсатган хайрихоҳлик ва ёрдам натижаси ўлароқ яратилган.

«Муқадамату-л-адаб»нинг асосий матни беш қисмдан иборат. Улар: исмлар қисми, феъллар қисми, ёрдамчи сўзлар қисми, исмларнинг турланиши қисми, феъларнинг тусланиши қисми.

«Муқаддамату-л-адаб» яратилган давридан бошлабоқ жуда муҳим манба сифатида кенг шуҳрат топган. У фаннинг кўпгина соҳалари бўйича қимматли маълумотлар бера оладиган нодир асар бўлганлиги учун ҳам ўз даврида кўплаб нусхаларда тарқалган. Луғатнинг қайта-қайта кўчирилган қўлёзма нусхалари жаҳоннинг турли мамлакатларида ноёб манба сифатида сақланади. «Муқаддамату-л-адаб» дастлаб араб, форс, туркий тилларда яратилган. Туркий сўзлик тўғрисида фанимизда турли фикрлар мавжуд. Уларнинг айримларида луғат даставвал араб-форс тилларида яратилганлиги кўрсатилса, баъзиларида туркий киритилган қўлёзмаларнинг қадимийлиги айтилади ва туркий сўзлик қатлами тил хусусиятларига асосланиб, мазкур сўзликни муаллифнинг ўзи киритган деган фикр илгари сурилади. Бу албатта келажакда исботланиши лозим бўлган илмий муаммолардан биридир. Лекин айрим манбаларнинг кўрсатишича, Туркияда топилган асарнинг энг қадимий қўлёзмаларидан бири таркибига эски хоразмий тилидаги ҳошия текстлар ҳам киритилган. Мўғулий сўзликка келсак, бу сўзлик Ўрта Осиёнинг мўғуллар томонидан истило қилинишининг дастлабки давридаёқ луғатга киритилган. Бу ҳам мазкур луғатнинг ўз давридаёқ муҳим манба сифатида тан олинганлигидан далолат беради. Ҳозирда унинг арабча-форсча, арабча-форсча-туркий, арабча-форсча-туркий-мўғулча, шунингдек, айрим маълумотларга кўра, хоразмча ва грекча сўзлик киритилган нусхалари ҳам мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Қўлёзмалар фондида асарнинг арабча-форсча бешта ва арабча-форсча-туркий учта нодир қўлёзма нусхалари сақланмоқда. Ҳамид Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институти фондида эса ҳозирча дунёда ягона ҳисобланувчи тўрт тиллик арабча-форсча-туркий-мўғулча қимматли қўлёзма нусха мавжуд. Тошкент нусхаларидан ягона мукаммал, эътиборлиси 429-рақамли арабча-форсча қўлёзма ҳисобланади. Унга асардаги мавжуд беш қисмнинг барчаси киритилган.

Демак, бундан кўринадики, Маҳмуд Замахшарийнинг ижоди, унинг асарлари мақтовга лойиқ, бой ижодиёти эса чуқур ва мукаммал ўрганилишига муҳтождир.

Зоҳиджон ИСЛОМОВ,
филология фанлари номзоди

ЗАМАХШАРИЙ ҲИКМАТЛАРИ

Ҳалол-покиза киши доимо хотиржаму тинчликдадир. Бировга хиёнату ёмонлик қиладиган киши эса ҳалокатга гирифтордир.

***

Ўз биродаринг сўзини сукут сақлаб тинглаб, унинг ҳурматини ўрнига қўй, гарчи уни эшитишга рағбатинг ва майлинг йўқ бўлса ҳам.

***

Еру заминнинг кўркамлиги олимлар билан бўлса, осмону фалакнинг зийнати юлдузлар биландир.

***

Кўпинча тил билан етказилган жароҳат, қилич билан етказилган жароҳатдан оғиррокдир.

***

Ловиллаб ёнаётган оловни сув ўчиргани каби нодон одамлардан чиқаётган алангани ҳакиму оқил одамлар сўндирарлар.

***

Бу дунё ибратли ишлар-у, панд-насиҳатларга тўладур, айни вақтда кўз ёшларига ҳам сероб.

***

Низо ва нифоқ мавжуд жойда нохушлик бўлар, қайгу-ҳасрату фақирликка тушилур.

***

Таомга ортиқ даражада ҳирс қўйишлик худбину пасткаш кишиларнинг ахлоқларидандир.

***

Гўзал сифат ва ҳусни хулқ сийратлари безамаган кишини ҳеч қандай чиройли кийимлар кўркам қилолмас, гуноҳ ва хатолардан сақланмаган кимсанинг қалби сира айбдан фориғ бўлмас.

Маданиятимиз белгилари

ХАТ — ҲИКМАТ НИШОНИ

Тўхтамурод ЗУФАРОВ

Истиқлол шарофати билан маънавий қадриятларимизга бўлган муносабат буткул ўзгарди. Эндиликда биз уларга аллақандай ёт нигоҳ билан эмас, балки меҳр кўзи билан боқмоқдамиз. Бундай замон ва имконни жамоатчилик ва айниқса, ўзбек зиёлилари узоқ вақт интиқиб кутганмиз. Чунки, Туркистон халқлари, шу жумладан ўзбек халқи каби бой маънавий хазинага меросхўр бўлган халқлар қурраи заминда саодатлидирлар. Бунинг устига аксарият маънавий қадриятларимиз қаламнинг жафоли меҳнати жараёнида неча бор боши синиши ва қалам тутган сиймолар умрининг аянчли фожиасига қарамай, қоғоз саҳифаси узра зийнат топиб, узоқ асрлар давомида китобат қилингандир. Бу ҳол бизларда миллий ифтихор туйғусини уйғотиш билан бирга, бевосита улкан юмушларни тезкорлик билан адо этишга чорлайди.

Аммо, эътиборли ўрни шундаки, ана ўша бебаҳо маънавий меросимизни тезроқ рўёбга чиқариш, уни қайта тиклаш ва баъзиларини зудлик билан ҳаётга тадбиқ қилиш йўлида енг шимариб меҳнат қилиш ўрнига ҳамон журъатсизлик, иккиланиш кайфиятлари содир бўлмоқдаки, бунинг маълум сабаблари бор, албатта. Чунончи, баъзилар миллий қадриятларимизни қайта тикланишини қадимий миллий кийимларни қайта кийиш сифатида тасаввур қилсалар, баъзилар эса у қадриятларни ўзига хос байроқ қилиб, мағрурона равишда бошқалар олдига ўтиб олишни ният қилмоқдалар. Ваҳоланки, бизнинг бобокалонларимиз ҳар бир қадриятларни энг олий ниятларни дилга жо қилиб яратганлар ва айни шу мақсадда ҳаётга жорий қилганлар. Буни янада аниқроқ тасаввур қилмоқ учун кўҳна тарихимиз саҳифаларига нигоҳ ташласак, ниҳоятда ажойиб маълумотларга кўзимиз тушади.

Тарихчи олимларимизнинг ёзишича, қадимги Ўзбекистон заминида бир қатор қабила ва элатлар истиқомат қилганлар. Бироқ, муҳими шундаки, булар ҳеч вақт бир-бирларини қириб, жойларини эгаллаш билан машғул бўлмаганлар, балки ўзаро аралашиш, қўшилиш ҳисобига ҳаёт кечирганлар. Жумладан, Марказий Осиёда истиқомат қилган «..қушанларнинг кўпчилиги Зарафшон билан Қашқадарё водийсида ўтириб қолиб, улар аста-секин суғдларга аралашиб кетганлар»., (Проф. А. Ю. Якубовский. «Ўзбек халқининг юзага келиши масаласи ҳақида». Т., 1941 й., 5-бет.)

Ўз ўрнида, Сирдарёнинг нариги томонидан келган турклар билан Ўзбекистоннинг бир қанча вилоятларида истиқомат қилувчи туб-туркий аҳоли ва суғдлар қариндош-уруғлик анъаналарини вужудга келтирганлар. «Шуниси характерлики, суғд аслзодалари ўртасида турк номлари ва унвонлари пайдо бўлди» (Ўша китоб. 7-бет.)

Тарихда халқ ва элатларнинг бундай яқинлашувининг сиёсий ва ижтимоий томонлари мавжуд бўлса керак. Аммо, айни шундай йўлни танлашларида маънавий тафаккур ва маданий илдизларнинг муштараклиги маълум даражада етакчилик қилган дея оламиз. Бундай хулосага келиш учун ўша замонларда мавжуд бўлган ва маънавий меросннг таг-замини вазифасини ўтаган ёзувлар бизга асос бўла олади.

Чунончи, Марказий Осиё, жумладан Ўзбекистонда тарихнинг турли босқичларида пайдо бўлган Парфия, Хоразм, Суғд, Бақтрия, Фарғона ёзувларини ўша тарихий тор чегарадан ташқарига чиқмаган дея олмаймиз. Бунинг учун мисол сифатида эрамизнинг VII-VIII аср ларида Суғд ёзувидан шакилланган уйғур ёзувини кўрсатиш мумкин. Буни қарангки, бу ёзувда туркий будда, монивий, христиан диний-ахлоқий асарлари билан бирга баласуғунлик Юсуф Хос Ҳожибнинг «Кутадғу билиг», Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибатул-ҳақойиқ», Хоразмийнинг «Муҳаббатнома», Хўжандийнинг «Латофатнома» каби асарлари ҳам битилган.

Умуман олганда уйғур ёзуви узоқ асрлар давомида Марказий Осиё халқлари маданий ҳаётида муҳим ўрин тутди. Чунки, бу ёзув фақат уйғур ёки бирор бошқа халқ маънавияти учун эмас, балки, бир қатор умумтуркий халқлар маънавий камолотига хизмат қилди. Ёзувлардаги ана ўша халқ ва элатларни маънавий якдилликка мушарраф қила олувчи хусусият беғоят қимматлидир. Дарҳақиқат, ҳар қандай ёзув икки шахс — ёзувчи ва ўқувчи ўртасида мавжуд бўлиб, биринчи вазифаси маъно ташимоқликдан иборатдир. Аммо, айни пайтда, амалий жиҳатдан олганда ёзув икки қалбни ўзаро яқинлаштириш, бирлаштиришга хизмат қилади. Натижада, табиий равишда биродарлик вужудга келади. Бордию, бирор ёзувни бир неча халқлар ўқий олсалар, қардошлик вужудга келади. Бу жиҳатдан VIII асрнинг яримларидан истеъмолга киритилган араб ёзуви ғоят эътиборлидир.

Баъзилар араб ёзуви дейилганда биринчи навбатда ислом дини ва унинг ёзувини кўз одига келтирадилар. Дарҳақиқат, ислом динининг муқаддас китоби бўлмиш Қуръони Карим шу ёзувда битилган. Шу сабабли бу ёзувга нисбатан илоҳий қараш мавжуддир. Бу жиҳатдан ўзбек шоири Шермуҳаммад Аваэбий ўғли Мунисннг 1804 йилда ёзиб тамомлаган «Саводи таълим» номли асарида келтирилган ушбу сўзлар ибратлидир:

Қуръонки эрур Худо каломи,
Хат бирла аён бўлур тамоми.

Шоирнинг бу сўзларида юқорида айтилган илоҳий тасаввуф билан бирга хат (ёзув)нинг буюк мўъжизакорлик қиймати ҳам ўз ифодасини топгандир. Ўз ўрнида араб ёзувидаги илоҳият халқлар маънавиятига ижобий хизмат қилувчи бир қатор маданиятларни вужудга келтирди. Ана шундай маданиятлардан бири ёзув маданияти бўлиб, унинг айрим кўринишлари халқимиз ўртасида ҳамон барҳаётдир. Чунончи, биз ўзбеклар араб алифбосида битилган бирор варақ ёки қоғоз остида ётганини кўрмаймиз. Борди-ю, араб алифбосида битилган бирор китоб-тасодифан ерга тушиб кетса, зудлик билан уни кўтариб олиб, уч бора ўпиб, кўзга суртадилар ва албатта бошдан юқорироқ токчага қўядилар.

Ана шу маданият қатлиом йилларида ўзбек халқининг араб алифбосида битилган жуда кўп маънавий меъросини омон сақлаб қолишга хизмат қилди. Чунки, оталаримиз бундай китобларни имкони бўлса яширдилар. Иложсиз пайтларда эса, ерга кўмдилар, узоқ ғорларга элтиб ташладилар ва ҳатто ёқиб юбордилар, аммо ўз ихтиёрлари билан идораларга топширмадилар. Қизиғи шундаки, аксарият ўзбек хонадонларида ҳозирда ҳам жуда бўлмаганда бир дона бўлса-да, араб ёзувида битилган китоб сақланади. Уни оталаримиздан қолган ноёб ва нодир бисот сифатида эъзозлайдилар. Аслида эса, бу илмий маънавиятни эъзозловчи миллий маданиятнинг айни ўзидир.

Етмишинчи йилларда Алишер Навоий номидаги адабиёт музейининг ташаббуси билан Қашқадарё воҳасига археографик экспедиция уюштирилди. Тоғлар орасига жойлашган кичик бир қишлоқда бизнинг илтимосимизга биноан бир неча қўлёзма китобларни кўрсатишди. Биз билан борган мутахассислар уларни қўлма-қўл қилиб, варақлаб кўришди. Аммо, нима китоб эканлигини айтишга ожизлик қилишди. Шунда бир чеккада сукут сақлаб ўтирган бир отахон майин жилмайиб, китобларни қўлларига олдилар ва Абдураҳмон Жомий пандларини шариллатиб ўқиб бердилар. Бошқа китобдан эса Шарқнинг буюк шоири Бедил сўзларини ўқиб, уни қойилмақом қилиб шаҳрладилар.

Буни қарангки, ўша давр мафкурасига биноан, биз, шаҳардан қишлоққа борган мутахассислар саводхон ва билимли ҳисобланар эдик. Аслида эса ўз манавиятидан жудо бўлмаган, уни яхши билган ва ҳамиша қадрлаган ўша камтарин отахон биз мутахассислардан кўра саводли эканликларини исбот қилдилар. Бундай отахонлар шаҳар ва қишлоқларимизда ҳамон барҳаётдирлар. Биз биринчи навбатда уларнинг эҳтиромини ўз ўрнига қўйиб, улардаги маънавий бисотни жиддий ўрганмоғимиз лозим. Кўринадики, араб ёзувидаги китобларга мансуб илоҳий тасаввурга бир ёқлама эмас, балки кенгроқ нигоҳ билан қараш тақозо қилинади. Чунки, бу тасаввур биринчи навбатда диний-фалсафий мазмун касб этса, иккинчи томондан эса, ижтимоий моҳият касб этмоқда.

Яна бир воқеа, 1988 йилда Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти қримтатар халқининг 17-асрда яшаган улкан шоири Ошиқ Умар шеъриятини нашр этди. Ана шу шоирнинг араб алифбосидаги шеърларини қримтатар адиби, шоир ва олим Ризо Фозил билан қиёслаб чиқдик. Буни қарангки, араб алифбосида ёзилган у шеърларни мен соф ўзбек тилида ўқисам, ўша матнни Ризо Фозил қримтатар тилида ўқир эди. Тасодифан, хонамизга таниф буюрган бир қозоқ дўстимиз эса айни ўша шеърларни қозоқ тилида ўқиди. Бундан кўринадики, бу ўринда араб ёзуви байналмилал хизматни адо этмоқда. Дарҳақиқат, ўтмишда она Туркистон заминида яшаган барча халқ ва миллатлар араб ёзувига ўз ёзувлари сифатида қараганлар ва шунинг учун ҳам улар ўртасида ҳеч қандай тўсиқ бўлмаган ва барча халқлар бир-бирларини маънавий меросларидан бемалол баҳраманд бўлганлар, уларни яхши билганлар ва қадрлаганлар.

Буни оқибатида бизда араб ёзувида битилган меросни ўзига хос равишда жамоа бўлиб мутолаа қилишга асосланган бедилхонлик, ҳофизхонлик, навоийхонлик, фузулийхонлик, машрабхонлик, сўнгги йилларда эса қодирийхонлик анъанаси вужудга келдики, бу ҳам ўша ёзув маданияти ва унга бўлган муносабатнинг ўзига хос кўриниши бўлиб, унда тил чегараси ҳеч қандай тўсиқлик қила олмаган.

Араб ёзуви юқорида айтилган ёзув маданиятидан ташқари яна бошқа бир буюк маданият — хаттотликни вужудга келтирганки, у ҳақда алоҳида сўз юритиш жоиздир.

Хулоса қилиб айтганда, биз, Туркистон халқларининг маънавий меросини муштарак қилишда инкор қилиб бўлмас даражада хизмат қилган араб ёзувини янгича тафаккур билан ўрганмоғимиз ва уни яна олий хизматларга сафарбар қила олмоғимиз лозим.

Зеро, бугунги кунда Президентимиз И. Каримов имзоси билан жорий қилинган «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунида ёзилганидек, «Лотин ёзуви асосидаги ўзбек алифбосини жорий этиш билан бирга Ўзбекистон халқининг миллий ифтихори бўлмиш бебаҳо маънавий мерос битилган араб алифбосини ва кириллицани ўрганиш, улардан фойдаланиш учун зарур шароитлар сақлаб қолинади».

Дипломатиямиз тарихидан

АМИР ТЕМУР ВА СУЛТОН БАРҚУҚ ЁЗИШМАСИ

Соҳибқирон Амир Темур бошқа давлатларнинг подшоҳлари билан олиб борган ёзишмалар ўша давр дипломатия тарихини ўрганишда муҳим ва биринчи даражали манбалардан ҳисобланади. Шундай ёзишмалардан бири Миср-даги мамлуклар султони Барқуққа ёзилган мактуб ва ундан келган жавоб хатдир.

Амир Темур 1393 йилнинг кузида Ироқнинг Бағдод шаҳрини эгаллагач, Миср султони Барқуққа дўстлик сулҳи тузишни таклиф этиб, элчилар жўнатган. Аммо Барқуқ аввалига элчиларни яхшилаб меҳмон қилган, кейин эса қатлга ҳукм этади. Элчиларнинг бошлиғи, яъни соҳибқироннинг хотин томондан қариндоши Отилмишни Миср подшоси асир сифатида ушлаб қолади.

Шундан кейин Амир Темур кучли иборалар билан қаттиқ сиёсатомиз мактуб ёзишга мажбур бўлган ва бу хат 1394 йилнинг февралида Барқуққа етиб келади. У эса бу мактубга ҳақоратомуз жавоб ёзиб жўнатган. Мазкур хатларни Миср тарихчиси Юсуф ибн Тағриберди (1409-1469) ўзининг «ан-Нужум аз-зоҳира» («Ёрқин юлдузлар») номли асарига киритган. Бу мактубларни биз араб тилидан таржима қилиб, азиз ўқувчиларга ҳавола этмоқдамиз.

Бизга «ан-Нужум аз-зоҳира» китобининг 1956 йил Қоҳирада нашр этилган нусхасини лутфан тақдим этиб, таржима қилиш давомида ўз маслаҳатларини ва ёрдамини аямаган шарқшунос олим, устоз Асомиддин Ўринбоевга самимий миннатдорлик изҳор этамиз.

ТАРЖИМОН

АМИР ТЕМУРНИНГ МАКТУБИ

Султон (Барқуқ) га Темурнинг дўқ-пўписа ва таҳдиддан иборат мактуби келди. Унинг матни:

(Ояти каримада) «Эй мулк эгаси, еру осмоннинг яратгувчиси, ғайб ва шаҳодатни билгувчи Оллоҳим. Бандаларинг келиша олмаган нарсаларда фақат Сен Ҳукм чиқарасан», — деб айтинг» (дейилган).

Маълумингиз бўлсинким, бизлар Оллоҳнинг ғазабидан яратилган аскарларимиз ва Унинг ғазабини келтирганлар устидан ҳукмронлик (ҳуқуқи) бизга берилган. Шаккоклик қилувчига шафқат, кўз ёши тўкувчига раҳм қилмаймиз. Оллоҳ бизнинг қалбимиздан раҳм (шафқатни) олиб ташлаган. Бизга тарафдор бўлмаган ва бизнинг ҳизбимизга (кирмаганларнинг) ҳолига вой!

Мамлакатларни вайрон этиб, болаларни етим қилдик ва ер юзида фасод зоҳир этдик. Ундаги азизлар бизнинг олдимизда хор бўлдилар. Куч билан ерларни эгалладик. Агар бу эшитувчининг хаёлига келиб, шубҳа уйғотса ва у «бу ерда тушунмовчилик бор», — деса, айтингки, (шундай оят бор): «Подшоҳлар бирор қишлоққа кирсалар, уни вайрон этиб, аҳолисининг азизларини хор қиладилар».

Бу (ғалабаларнинг) сабаби саноғимизнинг беҳисоб ва кучимизнинг кўплигидир. Бизларнинг отларимиз чопқир; найзаларимизнинг учлари ўткир, ярқироқ; қиличларимиз яшиндай (шиддатли); қалбларимиз тоғ каби; ва лашкаримиз эса қум зарралари мисоли беададдир. Биз (шундай) довюрак сардорларимизки, (биров) мулкимизга кўз тиколмайди, қўшнимизга дўқ қилолмайди. Ҳукмронлик учун кучимиз ҳар доим етарли. Биз билан тинч-тотув бўлган ҳузур қилади, уруш қилган пушаймон бўлади. Кимки биз ҳақимизда билиб-билмай гапирса, жоҳил ҳисобланади.

Агар сизлар амримизга бўйсиниб, шартимизни қабул қилсангизлар, бизлар билан бирдай бўласизлар. Мабодо бўйсинмай, ниятларингиздан қайтмасангизлар, фақат (кейин) ўзларингизни сўкингизлар.

Қалъалар қурилиши бизга тўсиқ бўлолмайди, шаҳарлар қудрати ҳужумимизга дош беролмайди ва (бизга қарши ҳаракат) бефойдадир.

Сизлар шаънимизга ўқийдиган дуои бад мустажоб бўлмас ва эшитилмас. Қандай қилиб Оллоҳ дуоларингизни қабул этади?! Ахир сизлар ҳаром ейсизлар, жами халққа зулм ўтказасизлар, етимларнинг молини тортиб оласизлар ва ҳокимлар (берган) порани (бажонидил) қабул этасизлар. Ўзларингизга ўзларингиз жаҳаннам ва бахтсиз тақдир ҳозирладингизлар. Чунки, «Етимларнинг молини зулм қилиб еганлар, қоринларига олов ейди ва албатта (жаҳаннам) ўтида куядилар» (деган оят бор).

Қилган ишларингиз билан ўзларингизни ҳалокат булоқларидан сув ичишга олиб келдингизлар. Уламоларни қатл этдингизлар, еру-осмон яратгувчисининг (амрига) буйсинмадингизлар. Ашрофларнинг қонини тўкдингизлар. Худо ҳаққи булар адолатсизлик ва ҳаддан ошишдир. Бу (ишларингиз) билан сизлар абадий (жаҳаннам) ўтидасизлар.

(Қуръони каримдаги) «Ер юзида ноҳақ катта кетганлигингиз ва фосиқлигингиз учун бугун сизлар хорлик азоби билан жазоланасизлар», — деган нидо эртага сизларга келади. Хорлигу камситилишдан хурсанд бўлинглар, эй зулм ва адоват аҳллари! Сизларнинг фикрингизча биз кофир эдик. (Лекин), Худо ҳаққи ўзларингиз кофиру бузуқ эканлигингиз бизга аён бўлди. Парвардигор бизларни сизларга султон қилди, чунки Унинг олдиндан белгилаган ишлари, чиқариб қўйган ҳукмлари бор. Сизларнинг обрў-эътиборли (кишиларингиз) бизнинг олдимизда хордир, кўп бўлсангизлар биз учун (барибир) камсизлар. Чунки бизлар машриқу мағрибда Ер юзини эгаллаганмиз, сизларни (қутқарувчи) ҳамма кемаларни тортиб олганмиз.

Хитобимиз сизга равшан бўлса, қопқоқ кўтарилиб, уруш олови авж олиб кетмасдан, жавобингизни тезроқ беришга шошилинг. Яна, у олов сўнгандан кейин сизларнинг ҳолингизга ҳамма йиғлаб, фироқ хабарчиси «булардан бирон (тирик) қолган кишини кўрганлар борми?» деб, қичқириб юрмасин. Тағин қаттиқ силкинганларингиздан кейин ҳалокат хабарчиси (Қуръони каримдаги) «Улардан бирортасини сезасизми ёки овозини эшитасизми?» (деган иборани) сизлар ҳақингизда айтиб юрмасин.

Сизларга биринчи элчи юборгандан кейин инсоф қилдик. Бу (сафарги) элчиларимизни ҳам, эски одатларингиз каби, оламнинг яратгувчиси (Оллоҳнинг) «Расулнинг зиммасида фақат очиқ-ойдин хабар етказиш бор» деган сўзларига риоя этмасдан, олдинги элчиларимиздай ўлдириб юбормангизлар. Сизларга сўзларни тушунарли қилдик, жавобни тезроқ жўнатингизлар. Вассалом.

СУЛТОН БАРҚУҚ МАКТУБИ

Басмалаи шарифдан сўнг (шундай) жавоб ёзилди:

(Қуръони каримда) «Айтинг! Оллоҳим мулк эгасидир. У мулкни хоҳлаган кишисига беради ва хоҳлаган кишисидан олиб қўяди. Хоҳлаган кишисини азиз қилади, хоҳлаган кишисини хору-зор этади» (дейилган).

Сизларнинг куфрона сўзларингиз, шайтоний васвасаларингиздан хабардор бўлдик. Мактубингиз сизлар хон, аммо сийратларингиз куфрона ва шайтоний эканлигидан бизга хабар берди. Чунки сизлар Оллоҳнинг ғазабидан яратилгансизлар ва Оллоҳнинг ғазабини келтирганлар устидан ҳукмронлик (ҳуқуқини) олгансизлар. Шаккоклик қилувчига шафқат, кўз ёши тўкувчига раҳм қилмайсизлар. Оллоҳ сизнинг қалбингиздан раҳм шафқатни олиб ташлаган. Булар сизларнинг энг катта нуқсонингиздир. Булар султонларнинг хислатларидан эмас, балки шайтоний сифатлардандир. Бу аниқ далил сизлар учун кифоя, ўзларингизга ўзларингиз таъриф берганларингиз ҳам етарлидир.

«Айтинг! Эй кофирлар, сизлар ибодат қиладиган нарсага мен ибодат қилмайман. Мен ибодат қиладиган нарсага сизлар ибодат қилмаяпсизлар. Мен ҳам сизлар ибодат қилган нарсага ибодат қилмаяпман. Сизлар ҳам мен ибодат қилган нарсага ибодат қилмаяпсизлар.

Сизларнинг ўз динингиз, менинг ўз диним бор» (дейилган Қуръони каримда).

(Муқаддас) китобларда лаънатлангансизлар, расуллар тилларида ҳақоратга дучор бўлгансизлар ва ҳар қандай қабиҳ (сўзлар) билан таърифу-тавсиф этилгансизлар.

Чиққан пайтларингиздан бери сизлардан хабардормиз, сизлар кофирсизлар. Кофирларга Оллоҳнинг лаънатидан бошқа ҳеч нарсаси йўқ. Илдизга ёпишган шохлар ҳақида ўйламайди. Биз ҳақиқатан мўъминлармиз, гуноҳ бизга яқин келолмайди, шубҳа эса зарар қилмайди. Қуръон бизга нозил бўлди ва бу бизнинг ҳақлигимизни исбот этди. (Оллоҳнинг) марҳамати билан унинг шарҳини ҳам ўргандик. (Жаҳаннам) ўти сизлар учун яратилган ва «осмон ёрилганида» у сизларнинг баданларингизни ёндиради.

Филни пашша билан, шерни сиртлон билан, довюрак (кишини) қандайдир тўда билан қўрқитиш энг ҳайратланарли нарсалардандир. Бизларнинг отларимиз барқий, найзаларимиз арабий, қиличларимиз яманий ва кийимларимиз мисрийдир. Қўлларимизнинг зарбаси жуда ҳам кучли ва бизнинг тавсифимиз машриқу мағрибда мазкурдир. Агар сизларни ўлдирсак, энг гўзал ғалаба бўлади, мабодо бизларнинг бирортамизни сизлар ўлдирсангизлар, унинг (ўлими билан) жаннат ўртасида бир соатгина (вақт ўтади).

(Шундай оят бор): «Оллоҳ йўлида қатл этилганларни ўлик деб ўйламанг, улар парвардигорларининг олдида тирик. Оллоҳ сахийлик билан берган неъматдан улар хурсанд, ҳамда улар ўзларининг изларидан келаётганларга ҳеч қандай хавф йўқлиги ва ҳеч нарсадан хафа бўлмасликлари ҳақида қувончли хабар бермоқдалар. Улар Оллоҳнинг неъмати ва сахийлиги ҳақида. Оллоҳ мўъминларнинг мукофотини унутмаслиги ҳақида хушхабар бермоқдалар».

Сизларнинг «қалбимиз тоғ каби, ададимиз қум мисоли» деган сўзларингизга келадиган бўлсак, қўйнинг кўплиги, қассобни ташвишлантирмайди; ўтин қанчалик кўп бўлмасин, унга битта учқун кифоя. (Қуръони каримда шундай сўзлар бор): «Оллоҳнинг изни билан қанчадан-қанча кам сонли гуруҳлар кўп кишили гуруҳлар устидан ғалаба қилган. Оллоҳ сабр қилгувчилар билан бирга».

Маълумингиз бўлсинким, ўлимнинг ҳужуми биз учун хотиржамликнинг энг зўридир. Агар биз яшасак, бахтли яшашимиз, ўлдирсалар, фақат шаҳид кетишимиз (керак). Мўъминларнинг амири ва Парвардигори оламнинг халифасидан узоқ бўлганлар устидан фақат Оллоҳнинг ҳизбига (кирганларгина) ғалаба қозонади.

Биздан итоатда бўлишни талаб этгансизлар. Сизларга қулоқ ҳам солмаймиз, бўйсинмаймиз ҳам. Қопқоқ кўтарилмасдан, аниқ жавоб беришимизни талаб этгансизлар. Аслида (мактубингиз) назми бузуқ, ипи чувалгандир. Балки қопқоқ кўтарилиб (ҳамма нарса) аниқ бўлгандан сўнг, ният равшанлашармиди. Иймон келтиргандан кейин куфр кетдингизларми ёки икки худоликни қабул қилдингизларми?

Яна фикрингиздан маълум бўлишича, сизнинг дининги-з йўлидан юришимизни талаб қилгансиз. (Шундай оят бор): «Шундай кутилмаган гап қилдингизларки, осмонлар ёрилиб, ер бўлиниб, тоғ парчаланиб кетишига оз қолди». Хатни ёзиб, сўзларини тавсиф этган котибингизга айтингларким, унинг рубоб зарбидек, аммо пашша ғиғиғишидек мактуби етиб келди. (Оятда айтилганидек) «Албатта унинг айтганларини ёзиб қўямиз ва унга кўп азоб берамиз. У айтган (мол-дунёни) мерос қилиб оламиз».

Иншоаллоҳу таоло, юборган (мактубларингиз) билан, чалкашликларга йўл қўйдингизлар. Вассалом.

Бу жавоб (мактубни) султон Барқуққа кўрсатдилар ва муҳр босиб жўнатдилар.

Араб тилидан филология фанлари номзоди Акрам ҲАБИБУЛЛАЕВ таржимаси

РЕДАКЦИЯДАН: Ушбу икки мактубни тарих фанлари доктори, ажойиб фидокор олим Ашраф Аҳмедов билан биргаликда ўқидик. Мактубларда ёзилган сўзларнинг залворидан бир пас лол қолиб сукутга чўмиб ўтирдик. Сўнг Ашраф ака айтдилар: «Кўрдингизми подшоҳларнинг бир-бирларига сиёсат қилишларини. Улар ўзларини шунга ҳақли деб билганлар. Ўзларини ер юзида кўпайиб кетган гуноҳларга қарши юборилган Оллоҳнинг ғазаби ва унинг интиқом қиличи деб тушунганлар. Йирик уламолар ўртасида ҳам шундай фикр ўрнашиб қолган ва асрдан асрга ўтиб келган. Ҳазрат Саид Бараканинг Маккадан Амир Темур ҳузурига келиши ва унга барча ишларида доим оқ фотиҳа бериб турганлигини ҳам шундай тушуниш керак. Бу мактублар ўша даврда Амир Темур олиб борган кенг кўламдаги дипломатик муносабатларнинг ранг-баранг қирраларидан дарак беради ва дипломатик алоқалар тарихини ёритишда қимматли манба ҳисобланади...»

Редакциямиз ўзбек давлатларининг дипломатияси тарихини ёритиб боришни мўлжаллаган. Янги мавзу йўналишини шу икки мактуб билан бошламоқдамиз. Кўҳна ва янги дипломатиямиз тарихидан бохабар орифлардан саҳифамизда иштирок этишларини сўраймиз.



Чингиз оғани замонамизнинг Беҳзоди, Маҳмуд Музаффиби дер эдилар. Устод энди иккинчи умрини яшамоқда: унинг ҳаёти асарларига мангу кўчган.

СЎЗ ДУНЁНИНГ НАҚШИДИР

Озарбойжон мақоллари

Обод кент тутунидан маълум бўлар.
◆
Оғоч остига йиқилар
◆
Ватандан кетдим — имонга келдим
◆
Элнинг оғзига боққан оч қолмас.
◆
Элинг ўтган кўприкдан сен ҳам ўт.
◆
Соч юракдан сув ичар.
◆
Араз ошиғидан, Кур тўпиғидан.
◆
Орқали кўппак бўри босар.
◆
Арслон ҳам ёлғиз бўлмасин.
◆
От ориқликда, йигит ғарибликда..
◆
Отнинг ғамини емаган йўлда пиёда қолар.
◆
Отлилар отин чопар, тойчалилар дер: — Мен ҳам, мен ҳам!
◆
Бир от ортидан минг от сув ичар.
◆
Биров бор — Кўрўғли, биров бор — кўрнинг ўғли.
◆
Боди тоғасига боқмас.
◆
Қоя тоққа суянар.
◆
Бургут пашша тутмас.
◆
Бўриникига меҳмонга борсанг, кўппакни ҳам эргаштир.
◆
Иддаоси тарлон, ўзи ялоқ.
◆
Йигит юз яшар, фурсат бир келар.
◆
Аввал отилган тош узоққа тушар.
◆
Ит қўрққан жойга ҳурар.
◆
Юз кун яроғ, бир кун керак.
◆
Сув кўрганда сувсайди, от кўрганда оқсайди.
◆
Сув ўзига йўл топар.
◆
Ҳар тошнинг остида бир Кўрўғли бор.
◆
Одам одамнинг ойнасидир.
◆
Бахтинг кулганда, бадбахт кунларингни ёддан чиқарма.
◆
Бахтинг ётди, сен ҳам ёт.
◆
Айбсиз гўзал бўлмас, ойнинг ҳам доғи бор.
◆
Гўзалдан кўз оғриса, чиркиндан дарду бало!
◆
Атирли гулнинг иси узоқдан келар.
◆
Кутилмаган жойдан тулки чиқар.
◆
Кўрганингни қўйиб, эшитганинга ишонма.
◆
Гул сўлганда, булбул йиғлар.
◆
Манзил узоқ, эшаги чўлоқ.
◆
Найларам тилла тахтни, бир тилла бахтим бўлсин.
◆
Сен бунда тур,ёмонча, мен яхшини топгунча.
◆
Тахт яратиш мумкин, бахт яратиб бўлмас.
◆
Усти безак, орти тезак.
◆
Яхшилик-ёмонлик эшигининг калитлари инсонлардадир.
◆
Ҳар оннинг бир завқи, бир маъоли бор.
◆
Ҳар ари бол келтирса, тоғу тош болга тўлар.
◆
Оғиз очди, гавҳар сочди.
◆
Кўнгли тўқнинг тили узун.
◆
Сўз дунёнинг нақшидир.
◆
Тилимда тук битди.
◆
Тилини сақлаган, бошини сақлар.
◆
Тўғри сўзга онт на ҳожат!
◆
Интизорга суҳбат ҳаромдир.
◆
Ипнинг узуни яхшидир, тилнинг қисқаси.
◆
Итнинг ҳунари — ҳурмоқ.
◆
Неча тил билсанг, шунча одамсан.
◆
На сўзида, на ўзида.
◆
Ўттиз икки тишдан чиққан ўттиз икки маҳаллага ёйилар.
◆
Ўзи гапириб, ўзи эшитар.
◆
Сўз чайнаган кўп, сўз деган оз.
◆
Сўзловчи бўлма, тингловчи бўл.
◆
Сўзнинг яхшиси болдан ширин.

Озарбойжон тилидан Маҳмуд САЪДИЙ таржимаси

ДЎСТЛАР, ДИЛДОШЛАР

ҚАДРДОН ҚАМАР РАЙИС

«...Ўз ижоди билан урду адабиёти хазинасини янги дурдоналар билан бойитган адиб ва шоирлар қаторида Қамар Райис жуда юксак ўрин эгаллайди.». Ҳиндистоннинг таниқли адиби Сажжод Зоҳирнинг бу иқрорида тилга олинган шоир Қамар Райис ўзбек халқи учун ҳам эъзозли номлардан бири ҳисобланади. 60- ва 70-йиллар мобайнида «доктор Қамар Райис», «профессор Қамар Райис», «шоир Қамар Райис», ҳатто «Қамар оға» деган хитоблар тез-тез рўзнома ва жаридалар саҳифаларида кўзга ташланиб, радиокарнайлардан қулоққа чалиниб турарди. Бу заҳматкаш олим, мана, қариб йигирма йиллик айрилиқдан сўнг яна диёримизга меҳмон бўлдилар.

Қамар Райис жаноблари бир неча замон бурун Тошкентда меҳнат жабҳасида жавлон уриб юрганларида мўъжазгина бир шеърий тўпламларини чоп эттиришга муяссар бўлган эдилар. Одатда муаллифи хорижий бўлган айрим баёзлар «замонасизлик» касалига учраб, умри ғоят қисқа бўлар, кишилар эсидан тез чиқиб кетар эди. Аммо муҳтарам Қамар оғанинг бу ихчам баёзлари учун бундай ҳол рўй бермади. Китобчадаги айрим «қизил шеърлар»дан ташқари барча манзумалар шу қадар долзарб садо берди!

Қамар Райис ўзбек халқи билан энди яна ҳам яқинроқ танишишга, унинг юрагидаги садоларни тиклашга азму қарор этди. Мана, шоирнинг «Ҳиндистонлик Ўзбекистонда» шеъридан бир парча:

«Кўзларимга нур берди-ю, бахш этди роҳат,
Дилим яйраб, фаровонман, чексиз муҳаббат.
Кўчалардан яйраб-яйраб ўтиб бораман,
Бир ғунда боғ, бир томонда яшнаган чаман.
... Қайга борсам, ширин нигоҳ кўрсатади йўл,
Қайга борсам, дўстлар менга узатади қўл.

Ҳа, ичида туриб қараган билан ташқаридан туриб қараганнинг фарқи катта бўларкан. «Чойхона тонги», «Бир орзу», «Тошкент гули», «Зулфия», «Маъсум ўспирин», «Янги Тошкент» каби шеърларни ўқир экансиз, беихтиёр ҳиндистонлик шоир дилидан кечаётган гўзал ҳиссиётларга, жўшқин эҳтиросларга, нозик туйғуларга ошно бўласиз.

Қамар Райис Ўзбекистонда юрган чоғларида жуда кўп дўстлар орттирдилар. Билмаганларга ўргатиб устозлик қилдилар, билмаганларини сўраб шогирд тутдилар.

«Зулфия» шеъридаги қуйидаги мисраларга эътибор қилинг:

«Зулфия, о Зулфия!
Барча: булбул дейди, сени хушнаво,
Бу айни ҳақиқат, эй нури вафо,
Шеърият жаҳонин кўксида шоҳсан!..»

Улкан шоирамиз қутлуғ саксон ёшга кирган ушбу кунларда бундан чорак аср илгари битилган бу қўрли мадҳия бамисоли ҳали сиёҳи қуриб улгурмаган бағишлов ё табрикномадек жаранглаши кишини ҳайратга солмай иложи йўқ. Бунинг ўзига яраша сирлари ҳам йўқ эмас. Қамар Райис Ҳиндистонда мусулмон зиёли оиласида дунёга келган. Тили чиққан дастлабки қунданоқ волидалари унинг қўлига қалам тутқазиб (бу кўпгина зиёли ҳиндлар орасида қоида тусига кирган), алифбо ўргатганлар. Сал нарига бориб форс шеърияти асосида улкан тараққиётларга эришган урду адабиётининг дурдона асарларини ёд ола бошлаган. Вояга етган сайин ўз билим доирасини кенгайтириб, ёш Қамар Райис араб, форс, инглиз, рус тилини ўрганди. Тақдир тақозоси билан Тошкентга келиб ишлаган пайтларида ўзбек тилини ҳам ўзлаштириб, ҳатто шу ерда оламга келган қизалоқларининг исмини ҳам ўзбекча — Гулбаҳор деб қўйди.

Худога шукрлар бўлсинким, узоқ айрилиқдан кейин навбатдаги учрашув соғинчимиз оловига сув сепиб, ҳовурини босса не ажаб! Шоирнинг ўзи ҳам иккинчи уйи бўлиб қолган Ўзбекистонни озмунча соғинмаган бўлса керак.

Доктор Қамар Райис чиндан ўзбек тилининг шайдоси. Деҳли дорилфунунида аввал ўзбек тилидан сабоқлар тизимини жорий этди, сўнг бўлим очди, кейинчалик у мустақил куллиёт — факултетга айлантирилди. Кўплаб ўзбек ижодкорларининг асарларини ўз она тилига таржима қилди. «Ўзбек шоирлари» («Шуаройи Ўзбекистон») тўплами 70-йиллардаёқ ҳинд китобхонларининг севимли девонига айланиб қолганди. Мамлакатимиз чинакам мустақилликка эга бўлиб, жаҳон сари ўз нигоҳи, ўз шуури, ўз иродаси илк юз тутаётган бир вақтда қалби соф, иймони бутун, қарори қатъий дўстлар йиллар оша ҳам дўстона қўлини узатаверади. Барчамиз учун қадрдон бўлиб қолган шоир Қамар Райис ана шундай вафодор дўстлардан биридир. «Хуш келибсиз, уйимизнинг тўри сизники!» — деймиз ул зотга қўлимизни кўксимизга қўйганча.

Амир ФАЙЗУЛЛА

ЎЙЛАМОҚ ИЙМОН НИШОНАСИДИР

Фикр — лаҳзанинг чақмоғи

«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ»
Муассис: Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси
◆
Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАФУРОВ
◆
Газета 136-рақам билан рўйхатдан ўтган
◆
Буюртма: Г — 0282
◆
3000 нусхада босилди
◆
Сотувда нархи эркин
◆
Ҳажми 2 босма табоқ
◆
Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди
◆
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй
◆
Газетанинг ушбу сонини **Маҳмуд Саъдий, Беккул Эгамқулов, Ашурали Жўраев, Баходир Мурод Али, Нурали Нурмон, Ҳамро Қаршиев, Суннатулла Саимназаров, Баҳриддин Кўшмонов** тайёрладилар